O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
28 SENTABR
SHANBA
№ 121-122 (26.981)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

МАҚСАД ВА ИНТИЛИШЛАРИМИЗ МУШТАРАК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 23-25 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЛИТВА РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ

Литвада табиатнинг эҳсонлари кўп. Мамлакатнинг баланд тоғлари йўқ, куюқ ўрмонлар ҳам кам. Яшил майса билан кўмилган ясси текисликлар, мовий кўллару сокин дарёлар, дарахтзорлар Литвага кўрк бахш этади.

Мамлакат пойтахти — Вильнюс. Нарис ва Вилня дарёлари туташган жойдаги бу қадим шаҳар (у 1323 йилда барпо этилган) Рум, Византия, Европа ва Осиё маданиятларини туташтирувчи шимолий нуқта бўлган. Вильнюснинг тарихига қизиққан одам шаҳардаги обидаларни кўздан кечирса кифоя. Черковлар, ибодатхоналар, миноралар, ҳарбий истеҳкомлар, жинкўчалар, ўрта асрларга хос ташқи оламдан яширин ҳовлилар, бошқа иншоотларда Европа цивилизацияси тарихида учрайдиган қурилиш, маданият, илми ҳарб анъаналарининг кўп қисми намоён. Европанинг кўп анъаналари шу ерда мужассам бўлиб, бир-бирини тўлдириб турибди. Вильнюснинг «эски шаҳари» минтақада энг катта ҳисобланиб, ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий мероси дурдоналари рўйхатига киритилган.

Президент Ислом Каримовнинг ушбу гўзал диёрга қадами қутлуғ келгани самолёт Вильнюс аэропортига кўнгандаёқ маълум бўлди. Литвалик ҳамкасбларимизнинг айтишича, 23 сентябрга қадар уч кун тинимсиз ёмғир ёққан. Шу куни эса эрталабдан қуёш чарақлабди (одатда анчайин серёғин кечадиган бу мавсумда ташриф давомида қуёш чарақлаб турди).

Ўзбекистон — Литва муносабатлари музокараларнинг бош мавзуи бўлди, албатта. Президентимиз таъбири билан айтганда, давлатлараро муносабатлар асосида аввало иқтисодий ҳамкорлик ётади. Бошқа соҳалар, хусусан, сиёсий жабҳадаги ҳамкорликни истисно қилмаган ҳолда, таъкидлаш жоизки, манфаат, фойда бўлмаса, ҳақиқатан ҳам, алоқадан, борди-келдидан наф йўқ. Демак, дастлабки мавзу иқтисодий муносабатлар ҳақида.

Ўтган йили Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми 1994 йилдагига нисбатан уч баробар кўп бўлди. Лекин Ислом Каримовнинг Валдас Адамкус билан учрашувида ҳам, Бош вазир Алгирдас Бразаускас билан музокарасида ҳам ҳозирги кўрсаткичга қониқарсизлик билдирилди. Негаки, ҳар қанча катта бўлмасин, ҳозирги рақамлар, ўсиш суръати салоҳияту имкониятларимиз даражасида эмас.

Ислом Каримов ташрифдан кўзланган мақсад ҳамкорликка янги суръат ва шиддат бахш этиш эканлигини таъкидлади ва муносабатлар ривожига тўсиқ бўлаётган омиллар, янги ва яхши имкониятлар ҳақида сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг сўзларига кўра, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, кимё, тўқимачилик ва электротехника саноатида, шунингдек, қурилиш материаллари, мебель, халқ истеъмоли моллари, дори-дармон ишлаб чиқаришда янги-янги лойиҳаларни ишга солиб, икки томон учун ҳам манфаатли дастурларни амалга ошириш мумкин.

Сармоя соҳасига келсак, Ўзбекистон ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, пахтани сўнгги паллагача қайта ишлашдан манфаатдор. Демак, Литва тўқимачилик саноати юксак даражада тараққий этганидан фойдаланмоқ мақсадга мувофиқдир. Бунинг энг осон, содда ва кенг тарқалган йўли — қўшма корхоналар тузиш. Мисол тариқасида Ҳиндистондаги вазиятни олайлик. Бу мамлакатда тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортидан келадиган даромад ялпи миллий экспортдан келадиган даромаднинг 35 фоизини ташкил этади. Ўтган йили у 17 миллиард АҚШ долларига етган. 2010 йилда бу рақамни 50 миллиардга етказиш режалаштирилмоқда. Ваҳоланки, бизда Ҳиндистондагидан кўпроқ пахта етиштирилади. Демак, Ўзбекистон ундан ҳам юқорироқ марраларни кўзлаши мумкин. Бунинг учун ишончли шерик, замонавий техника ва технологиялар керак.

Ўзаро муносабатларда энг аҳамиятли бўлган транспорт соҳасига алоҳида тўхталиш жоиз. Яна пахтага келайлик. Илгари Кавказдаги бандаргоҳлардан четга чиқарилган пахта, мустақиллик йилларида Болтиқбўйи орқали хориждаги мижозларга борадиган бўлди. Сабаби оддий — Болтиқбўйида юк ташиш хизмати Ғарбий Европа даражасида. Юк омборда узоқ қолиб кетмайди, белгиланган муддатда, белгиланган манзилга юборилади. Демак, биз учун фойдали. Лекин, очиқ айтиш керак, сўнгги вақтларда Ўзбекистон маҳсулотини Болтиқбўйи бандаргоҳларига етказиш қийинлашиб қолди. Қишда музлаймайдиган Клайпеда бандаргоҳларидан фойдаланиш Ўзбекистон учун ҳам, Литва учун ҳам муҳим ва фойдали. Аммо, турли сабабларга кўра, бу борадаги кўрсаткичлар сўнгги вақтларда пасайиб кетди.

Тадбиркорлар билан учрашувда Ислом Каримов Ўзбекистоннинг шакарга йиллик эҳтиёжи 400 минг тонна эканини айтди. Бу мисол тариқасида айтилган гап. Ўзбекистон бу эҳтиёжнинг учдан бир қисмини ўз имкониятлари ҳисобига қоплайди. Қолганини четдан келтириши керак. Бунда анъанавий шериклар қўл келиши турган гап. Ислом Каримов Литва томонини шундай жабҳаларда фаоллик кўрсатишга, ўзгаларнинг рақобатидан кўз юммасликка чақирди.

Вильнюс музокараларида бир неча таклиф ўртага ташланди. Бош вазир Алгирдас Бразаускас билан учрашувдан кейин Ислом Каримов Литва телевидениеси мухбирига интервью берар экан, ўзаро савдо ишлари очиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлади. Бу муассасалар аввало қонюнктурани ўрганади. Талаб ва таклиф ҳақида аниқ маълумот бўлса, савдо-сотиқни ривожлантириш, қўшма корхоналар сонини ошириш анча енгиллашади.

Ишбилармонлар билан учрашувда литваликлар Клайпедада шундай муассаса очиш учун имконият мавжудлиги, Ўзбекистон томонидан билдирилган барча таклифлар маъқул эканлигини таъкидлади.

Умумий келишувга кўра, иқтисодий алоқаларни тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва ривожлантириш, тўсиқларни очиш ва муаммоларга ечим топиш учун савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Литва ҳукуматлараро комиссияси тузилади. Унинг илк мажлиси яқин орада Тошкентда ўтказилади.

Вильнюс музокараларининг натижаси ўлароқ бир неча икки томонлама ҳужжатлар қабул қилинди. Президентлар Ўзбекистон билан Литва ўртасида Давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Шунингдек, ташқи ишлар вазирликлари, мудофаа маҳкамалари, божхона хизматлари ҳамда миллий университетлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Энди бевосита сиёсий соҳага тўхталсак. Ўзбекистон мустақилликка эришган илк пайтдаёқ Болтиқбўйи давлатларининг суверенитетини тан олганди. Жавоб ҳам шунга яраша бўлган. Айни пайтда Литва (унинг икки қўшниси — Латвия ва Эстония ҳам) Европа Иттифоқи ва НАТОга қўшилиш арафасида турибди. Кўҳна дунё ҳамжамияти сармоялар ва иқтисодий юксалишнинг янги суръатини ваъда қилса, Трансатлантика уюшмаси хавфсизлик таъминотини зиммасига олади.

Шуни ҳам эслаш керакки, Президент В.Адамкус Литва мустақиллиқнинг илк давридаёқ Ғарбга интилишга қарор қилгани, лекин бу дунёнинг бошқа давлатлари билан алоқа ўрнатилмайди, дегани эмаслигини таъкидлади. Бошқача айтганда, Литва ва умуман Болтиқбўйи давлатларининг интилиши Ғарб билан чекланиб қолмайди ва буни мазкур мамлакатлар яхши идрок этади. Дейлик, террор, экстремизм, айирмачилик, наркобизнес, қуроллароқ контрабандаси, уюшган жиноятчилик каби иллатларга қарши курашда Литва учун Ўзбекистон билан ҳамкорлик зарур. Президент Валдас Адамкус илк учрашувдаёқ Ислом Каримовга Ўзбекистон бутун дунё нигоҳи қадалган Марказий Осиё минтақасида кечаётган жараёнларда муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Афғонистондаги тикланиш ишларида икки мамлакат қурувчиларининг биргаликда ҳаракат қилиши ҳар томонлама фойдали бўлишини ҳам айтди.

Литванинг ишбилармонлари ҳам Ўзбекистоннинг аксилтеррор операцияси доирасидаги дадил қадамларини таъкидлаб ўтди. Литва Тўқимачилик корхоналари уюшмаси президенти, Саноатчилар конфедерацияси вице-президенти, «Аудейас» тўқимачилик корхонаси бош директори Йонас Карчиаускас ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги фикр-мулоҳазалари ва таклифларини баён қилар экан, Ислом Каримов анча йил аввал биринчи бўлиб БМТ минбаридан бутун дунёни террорга қарши курашга даъват қилганини қайд этди.

Президентимизга Литва давлатининг энг олий мукофоти — Буюк Витаутас ордени берилди. Бу мукофот Литва халқи ва айни пайтда бутун башарият фаровонлигини ошириш йўлида хизмат кўрсатган арбобларга топширилади. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон-Литва муносабатларини ривожлантириш борасидаги жонкуярлиги ва халқаро террорчиликка қарши курашдаги қатъияти учун берилган мукофот бу. Қолаверса, ушбу воқеа Литва томонида Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга интилиш кучли эканлигининг яна бир тасдиғидир...

Президентимиз Вильнюс университетига ташриф буюрди. Бу ерда тарихий кутубхона бор. Унинг бунёд этилиш даври университет таъсис этилган вақт — XVI асрга бориб тақалади. Қадимийлиги баробарида бу кутубхона жуда бой. Ислом Каримов қадам ранжида қилган чоғда жавонларда Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», Улуғбек тадқиқотлари, Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр», Бобурнинг «Бобурнома», Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи, «Алпомиш» достонидан бугунги адабиётимизга оид асарларгача жуда кўп китоб йиғилганини кўрдик. Литванинг энг қадим, энг катта университетида Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор, Ўлмас Умарбеков ва бошқа кўплаб адибларимизнинг асарларини Литва тилида мутолаа қилиш мумкин.

...Президент Валдас Адамкус Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи ўтган даврдаги ишларни сарҳисоб этиб, келажакка янада теранроқ боқиш имконини яратганини таъкидлади. Аввал яккама-якка учрашувда, сўнг кенгайтирилган таркибдаги музокарада, ундан кейин эса матбуот анжуманида шу жумла кўп янгради. Бу бежиз эмас. Истиқлол қадрига етган, уни мустаҳкамлашга туну кун ҳаракат қилган халқ буюк келажакка кўз тикиши мумкин. Бу жиҳатдан ўхшашлигимиз кўп ва хўб. Демак, интилишларимиз ҳам муштарак. Ислом Каримовнинг Литва Республикасига расмий ташрифи ана шу ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлади.

■ **Анвар БОБОЕВ,**
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент—Вильнюс—Тошкент

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

ГЕРМАНИЯДАН КЕЛГАН НАВБАТДАГИ ЮК

Шу кунларда «ЎртаОсиётранс» автокорхонаси трейлери республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги учун инсонпарварлик юки билан Германиядан Ўзбекистонга жўнади.

Умумий вазни 10 тоннадан зиёд инсонпарварлик юкига Германиянинг «Дока Банк АГ», «Коммерцбанк АГ», «Ман Такраф Фёрдертехник», АО «Ферростааль» ва бошқа йирик фирма ва компаниялари тақдим этган компьютер техникаси, диапроектор ва ўқув-техника воситалари киради.

Ушбу техник воситалар ва ўқув материаллари мамлакатимизнинг профессионал коллежларига тарқатилади.

Инсонпарварлик юкини топшириш маросимида ҳозир бўлган немис фирма ва компаниялар вакиллари қатнашди.

■ **«Жаҳон» АА**

ЖАҲОН МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР ФЕСТИВАЛИ

27 сентябрь. Чунгжу (Жанубий Корея). ЎзА махсус мухбири Озод РАЖАБОВ хабар қилади.

Японларнинг каратэ, корейсларнинг таэквандо, хитойларнинг у-шу ва ўзимизнинг кураш дунёда эътироф этилган миллий спорт турлари ҳисобланади. Ҳар бир халқнинг ўзига хос анъанаси — миллий ўйинлари бор. Уларнинг ҳеч қайсиси бир-бирига ўхшамайди. Бразилияда капоера, Малайзияда силат, Филиппинда арнис, Молдовада трюнта ўзига хос гўзал спорт санъати ҳисобланади.

Фестивалнинг бугун бўлиб ўтган тантанали очилиш маросимида Корея Республикаси ҳукумати аъзолари, мамлакатдаги хорижлик элчилар қатнашди. Чунгжу ҳокими Си Жонг 31 давлат вакилларини бу катта байрам билан қутлади.

Эртадан ҳар бир миллий спорт тури бўйича кўргазмали чиқишлар бошланади. Энг муҳими, ўзбек курашининг байрами нафақат Чунгжу, балки Ансонг ва Суамбода ҳам бўлиб ўтади. Бу Жанубий Кореяда миллий спортимизга қизиқиш юқори эканлигидан далолат беради.

■ **(ЎзА)**

ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилги лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент бир қанча қўмита ва комиссиялари раҳбарлари, тегишли вазирлик, қўмита ва молия муассасалари вакиллари иштирок этди.

Қўмита раисининг ўринбосари Р.Каримов келгуси йилги солиқ сиёсати иқтисодиётга солиқ юкини янада пасайтириш, солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ва тартибга солиш, самараси паст бўлган солиқ ва солиқ имтиёзларини бекор қилиш, солиқ тўловчиларнинг солиқ бўйича мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариши учун уларнинг иқтисодий манфаатдорлигини оширишга қаратилажагини таъкидлади.

Лойиҳада педагог ва тиббиёт ходимлари иш ҳақлари миқдорини юқорироқ даражада ошириш, 2002-2003 йилларда аҳолининг кам таъминланган қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш дастурининг иккинчи босқичи тадбирларини амалга ошириш доирасида 2 ёшгача болалари бор кам таъминланган оилаларга мансуб оналарга тўланадиган нафақа миқдорини ошириш таклиф қилинаётир.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

■ **(ЎзА)**

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

РОМАНОВ ЁКИ ИСКАНДАР САРОЙИ

Метронинг Мустақиллик станцияси ёнида мўъжазгина ғиштли бино бор: бу бинони кўпчилик билади. Турли даврларда турли ташкилотлар ихтиёрида бўлган. Аммо уни қачонлардир Искандар саройи деб аташгани, XIX аср ёдгорлиги бўлмиш бу сарой тарихий бир шахс ҳаёти билан боғлиқлигини кўпчилик билмаса керак. Бу шахс Россия императори Николай I нинг набираси буюк князь Николай Константинович Романовдир

У 1850 йилда буюк князь Константин Николаевич оиласида дунёга келган. Болалигидан у ўзининг ғалати, зодагонликдан кўра кўпроқ оддий фуқарога хос табиати билан сарой аслзодаларини ҳайратга солар эди. У яхши маълумот олади. Отаси Россия императори География жамияти раиси бўлгани учун ўғлида саёҳат, саргузаштлар ва олис ўлкалар тарихи ҳамда табиатига кучли ҳавас уйғотади. Айниқса, Ўрта Осиё тарихи, табиати ва одамларига қизиқиш унда кучли эди.

Буюк князь Константин Николаевич ўшанда бу қизиқиш тўнғич ўғлининг бутун онгли умрини эгаллашини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Ёш князь Николай 1882 йилда Генерал штаб Академиясини тугаллаб, Туркистон округи қўшинлари таркибида ҳарбий хизматни бошлагани ҳам бежиз бўлмай, ана шу болаликдаги қизиқишининг ҳосиласи эди. Ўша вақтда империя ҳарбий доираларида Хива хонлигига юришга астойдил тараддуд бормоқда эди. Туркистон ҳарбий округи қўмондони инженер генерал-лейтенант Константин фон Кауфман буюк князнинг Ўрта Осиё, шу жумладан Хива хонлиги ҳусусидаги билимларига тан беради. Айниқса, Россиянинг Хивани босиб олиш учун юборган биринчи экспедицияси ҳақидаги батафсил маълумотлари уни ғоят қизиқтириб қўяди.

Россиянинг биринчи императори Петр I 1714 йилда Хивага юборган олти минг кишилик қўшинга бош қилиб тажрибали рус генералини эмас, балки асли мусулмон, қабарда беги — Бекович-Черкасскийни тайинлагани бежиз бўлмаган. Чунки қуш тилини қуш билади. Гвардия капитан-поручиги Бекович-Черкасскийнинг Хива хонлиги хусусида тўплаган материаллари, йўл ва манзиллар хариталари 1839 йили генерал-адъютант, граф Василий Перовскийнинг Хивага қилган иккинчи юришида жуда асқотган.

Буюк князь Николай генерал Кауфманга бу икки экспедиция мағлубиятларини ҳам кенг шарҳлаб беради.

— Биз, — дейди фон Кауфман унинг ҳикоясини эшитиб бўлгандан сўнг, — бир ярим асрдан сўнг капитан Александр Бекович хунини хиваликлардан оламиз. Сиз эса бунинг гувоҳигина эмас ва балки бевосита иштирокчиси бўласиз, ҳазрати олийлари. Сизни Казалинск отрядига қўмондон қилиб тайинлайман.

Шу тариқа буюк князь Хива хонлигини забт этиш учун бўлган жангларда қатнашиб, Хоразм халқининг мардлиги, босқинчилар ваҳшийлигининг гувоҳи бўлди.

(Давоми 3-бетда)

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ПАРТИЯ ФАОЛЛИГИ ОМИЛИ

ЁКИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШЛАРИ ПАРТИЯВИЙ ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ, ЎЗИГА ХОС СИЁСИЙ ТАРБИЯ МАКТАБИДИР

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис IX сессиясидаги дастурий нутқида мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг заиф ва мўрт ҳолатда эканлиги таъкидлаб ўтилди. Юртбошимизнинг ушбу адолатли баҳосини тўғри қабул қилган Ўзбекистон ХДП тегишли хулосалар чиқариб, зарур чораларни кўрмоқда. Жумладан, Марказий Кенгаш ташаббуси билан ўтказилган минтақавий, шаҳар ва туман семинар-кенгашларда партия тузилмалари ҳамда фаолиятининг барча соҳаларини мамлакатимизда бошланаётган парламент ислоҳоти талаблари асосида такомиллаштириш масалалари асосий ўрин эгаллади. Уларнинг иштирокчилари партиянинг пойдевори бўлмиш бошланғич партия ташкилотлари муаммоларига алоҳида эътибор қаратдилар. МК масъул ходими Собир ҚУРБОНОВнинг диққатингизга ҳавола этилаётган мақоласида айни ЎзХДП бошланғич ташкилотларини мустаҳкамлашнинг муҳим омили – умумий партия йиғилишларининг аҳамияти хусусида фикр юритилади.

Кейинги пайтларда баъзи жойларда бошланғич партия ташкилотлари умумий мажлисларини ўтказишга эътибор бирмунча сусайди, айрим партия кенгашлари бу масала билан етарлича қизиқмай қўйди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон ХДП Низомининг 21-бандида қуйидагилар ёзилган: «**Умумий партия йиғилиши бошланғич партия ташкилоти, партия гуруҳининг олий органи ҳисобланади. Йиғилиш заруратга қараб, аммо камида йилнинг ҳар чорагида бир марта ўтказилади».**

Бу қоидага кўра, бошланғич партия ташкилотларида умумий йиғилишларни ўтказиш, ҳам қарз, ҳам фарз деганларидай, ихтиёрий бўлмай, балки низомий, яъни мажбурий талабдир. Нега шундай? Ушбу масалага ички партиявий қонун кучини беришдан мақсад нима? Энг аввало, демократия пойдевори яратилаётган мамлакатимиздаги ҳар бир сиёсий партия, шу жумладан Ўзбекистон ХДП ҳам, фуқаролик жамияти институтларидан бири сифатида, ўзини ўзи бошқариш тамойили асосида яшайди ва фаолият кўрсатади. Партиямизнинг барча тузилмалари, унинг негизи — бошланғич партия ташкилотлари ҳам шу тамойилга, албатта, риоя қиладилар.

Умумий йиғилишлар БПТлари учун мана шу, **ўзини ўзи бошқаришни таъминлашнинг асосий мурватидир**. Уларда партия ва унинг ташкилотлари ҳаёти ҳамда фаолияти билан боғлиқ, уларнинг кафолати доирасидаги барча масалалар кўрилиб, ҳал этилади, тегишли қарорлар қабул қилинади. Бу биринчидан.

(Давоми 3-бетда)

ПАХТА — 2002

ТЕРИМ ҚИЗҒИН

Андижоннинг «оқ олтин» хирмони кундан-кунга юксалмоқда. Вилоятнинг Хўжаобод, Шаҳрихон, Андижон, Балиқчи туманлари деҳқонлари ҳам давлатга пахта топшириш йиллик шартнома режасини бажардилар. Хўжаободликлар давлат омборларига 8500 тонна, шаҳрихонликлар 27100 тонна, андижонликлар 18400 тонна, балиқчиликлар 36225 тоннадан ошиқ пахта топширдилар.

Айни кунларда Андижонда пахта йиғим-терими қизғин боряпти.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР

«Конституция — нафақат бугунги куннинг қомуси, балки эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб турувчи маёқдир.

Ислом КАРИМОВ

Ўн йилдирки, мустақил мамлакатимизнинг амалдаги Конституцияси Ўзбекистон халқининг асрий орзу-интилишларини ифодалаб келмоқда. Унинг том маънодаги аҳамияти шундаки, у — ўзбек миллий давлатчилигининг ҳуқуқий пойдеворидир. Жамиятимиз ҳамжиҳатлиги, мустаҳкам барқарорлик ва тинч меҳнат шароити — Конституциямиз моҳияти билан боғлиқ. Зеро, у ўзида мустақиллик, демократия, халқимизнинг юксак маънавияти, анъаналари ва удумлари, миллатлараро тотувлик ва пировардида, адолат каби миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни мужассамлаштиради. Ана шу қадриятларнинг жамият ҳаётига татбиқ этилиши ва у ҳар бир фуқаронинг турмушига, онгига сингиб бориши — шубҳасиз, бугунги куннинг энг муҳим масаласи ҳамдир.

Оддийгина қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини татбиқ қилишнинг: сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, иқтисодий, ижтимоий сингари қатор жиҳатлари бор.

Масалан, ҳуқуқий жиҳатини олинг. Бу жиҳат асосий қонун кўрсатмаларини амалга оширилишини англатади. Яъни, у қонунчиликнинг барча тармоқларини, жумладан, норматив-ҳуқуқий актларнинг қабул қилиниши, ўзгаришлар киритилиши, бекор қилиниши ва ўзгартирилишини такомиллаштириш ҳамда тартибга солинишини ифодалайди, конституциявий норма (меъёр)ларни белгилайди.

Конституциявий нормалар бошқа ҳуқуқий нормалардан бир қатор хусусиятлари билан фарқланади. Хусусан, юксак маънода умумлашганлиги билан ажралиб туради. Конституцияда тўғридан-тўғри ҳаракат қилувчи, яъни ижтимоий ҳаётда бевосита татбиқ этиладиган нормалар белгилаб қўйилади. Улар махсус механизмни, бошқача айтганда, бошқа ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш механизмидан фарқ қилувчи қандайдир алоҳида механизмни талаб қилмайди. Нормаларнинг бундай татбиқ этилиши, конституциявий нормалар билан давлат ҳуқуқининг муайян иштирокчилари хатти-ҳаракатлари ўртасида тўғри, бевосита алоқаларнинг мавжудлигида ифодаланади. Масалан, Конституциянинг 3-моддаси татбиқ этилиши Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсизлиги ҳамда бўлинмаслигини ўзида қамраб олган:

«Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир».

Ёки Қомуснинг 98, 105, 109, 117, 120, 125-моддаларини олинг. Уларда қонунчилик актларини қабул қилиш тўғрисида тўғридан-тўғри кўрсатмалар мавжуд. Бу кўрсатмалар асосида Вазирлар Маҳкамаси, Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, Конституциявий суд, Адвокатура, турли давлат ҳокимияти органларига сайловлар ўтказиш, Прокуратура ва бошқалар тўғрисида қонунлар қабул қилинган.

Шуни ҳам айтиш жоизки, айрим Конституциявий нормаларда баъзи ҳуқуқий актлар қабул қилиш ҳақида тўғридан-тўғри кўрсатма бўлмаса ҳам, улар тегишли актларни қабул қилинишига шароит яратади. Чунончи, Конституциянинг 41-моддасини ўқинг:

«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир»

Бу моддага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганини яхши биласиз.

Лекин шуни доим ёдда тутиш лозимки, бундай нормаларни татбиқ этишда восита бўлувчи норматив-ҳуқуқий кўрсатмаларнинг мураккаб якуни (йиғиндиси) талаб қилинади. Қонун, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари шундай кўрсатмалар жумласига кириб, улар Конституция нормаларини аниқлаштиради, соддароқ қилиб айтганда, конституциявий нормалар учун воситачи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар — мазкур нормаларни татбиқ қилиш жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам давлат ҳуқуқи иштирокчилари томонидан конституциявий нормалар асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тегишли ҳолатлари (у ёки бу даражада) бузилиши — мазкур ҳужжатнинг бузилиши ёхуд шу ҳужжатнинг қабул қилинишига асос бўлган тегишли конституциявий норманинг бузилиши, деб баҳоланади.

Фикримизнинг мухтасари, конституциявий нормалар ижтимоий ҳаётга бевосита татбиқ этиладими ёки у бирор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими орқали татбиқ этиладими, фарқсиз, ҳар икки ҳолда ҳам бошқа қонунчилик актларига боғлиқ бўлмаган ўз мустақиллигини сақлаб қолаверади. Зеро, у миллий давлатчилигимиз, демократиямиз, фуқаролик жамиятимиз, маънавиятимиз, анъаналаримиз ва умуминсоний қадриятларимизнинг ҳуқуқий ҳужжати, ҳуқуқий пойдеворидир.

■ **Абдусалом НОРБОЕВ, Тошкент давлат юридик институти доценти, юридик фанлар номзоди.**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ОММАВИЙ-СИЁСИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Тахиатош шаҳридаги Шоирлар хиёбонида, Ўзбекистон давлат мустқиллигининг 11 йиллиги ва Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб, ўтказилган оммавий тадбирда кўплаб меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари ва ёшлар қатнашдилар. Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Рабаев миллий мустақиллик йилларида мамлакатимиз, Қорақалпоғистон, шунингдек, Тахиатошда рўй берган улкан ўзгаришлар хусусида маъруза қилди. Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгаши биринчи котиби Д.Дурдиев партиямиз ташкилотларининг юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлардаги иштироки ҳақида сўзлаб берди. Буюк бобокалонлар сиймосидаги бир гуруҳ ёшлар А.Навоий, А.Пушкин, Абай, Махтумқули, Бердақ, Ғ.Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ажиниёз, Кунхожа ҳайкаллари олдида шеърлар ўқиб бердилар. Шаҳар маданият уйи ижодий ходимлари ва Қорақалпоқ иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежи талабалари йиғилганларни мароқли қўшиқ ҳамда рақслар билан хушнуд қилдилар. Қарияларга дастурхон ёзилиб, совғалар улашилди. Тадбирда шаҳар ҳокими ўринбосарлари Т.Якипов ва К.Авазимбетова қатнашдилар.

Шофирконлик партиядошлар эса тумандаги кутубхоналарда ишлаб нафақага чиққан кексаларни ардоқлаш кечасини ташкил этдилар. «Қарияларимиз — дуру жавоҳирларимиз» шиори остида ўтган тадбирда туман ҳокими А.Раҳмонов ва Ўзбекистон ХДП туман кенгаши биринчи котиби А.Асадовлар мустқилликнинг 11 йили давомида юртимиз босиб ўтган йўл, республика ва туманда қилинаётган тақдиршумул ишлар, партия ташкилотининг фаолияти, ҳукуматимизнинг кексалар ҳақидаги ғамхўрлиги, халқимизнинг уларга чексиз ҳурмати тўғрисида гапириб бердилар.

Норин туман партия кенгаши ташаббуси билан «Каттаўлмас» ширкат хўжалигида «Ўзбекистон – умумий уйимиз» мавзусида маданий тадбир ўтказилди. Унда ўзбек, қирғиз, татар ва бошқа миллатларга мансуб оилалар вакиллари иштирок этдилар. Миллий қадриятлар, рўзғор тутиш, меҳмон кутиш ва турли маросимларни ўтказишдаги ўзига хос удумлар саҳна кўринишлари шаклида намойиш этилди. Миллий рақс ва қўшиқлар ижроси тадбирнинг мазмунини янада бойитди.

Китоб туман партия кенгаши йирик корхона ва ташкилотларда «Маънавият ва маърифат» марказларини ташкил этишга бош-қош бўлмоқда. Ҳозирда шундай марказлардан 20 таси (масалан, «Қашқадарёмармар» ҳиссадорлик жамиятида, К.Рустамов номли ширкат хўжалигида, 1-лицей-интернат, Юсуф Хос Ҳожиб ва С.Айний номли мактабларда) фаолият кўрсатаётир.

Наманган туманидаги ЎзХДП бошланғич ташкилотларининг барчасида «Миллий истиқлол ғояси» курси бўйича машғулотлар ўтказилиши йўлга қўйилди. Туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» кенгаши туман бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилаётган ўқувларда миллий мустақиллик мазмун-моҳияти, Ватан равнақи, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги мавзуларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда **Бўстонлиқ тумани** Ғазалкент шаҳрининг «Даҳана» маҳалласида туман партия кенгаши ташуббуси билан аҳоли вакиллари учун «Огоҳликка даъват» мавзусида суҳбат ўтказилди. Ўзбекистон ХДП туман кенгаши биринчи котиби Р.Махаматов, «Маҳалла» жамғармаси бўлими раиси А.Исломов ва бошқалар Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни асраш, давлат чегараларини мустаҳкамлаш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишга доир сиёсати ҳамда амалий ишлари, ёшлар тарбиясини яхшилаш тўғрисида сўзлаб бердилар.

Ўзбекистон ХДП Оҳангарон шаҳар кенгашининг Хонобод маҳалласида бўлиб ўтган кўчма йиғилишида мазкур маҳаллада фаолият кўрсатаётган ҳудудий партия ташкилотининг ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича олиб бораётган ишлари ҳақидаги масала муҳокама қилиниб, бу ерда тўпланган ижобий тажрибани кенг ёйишга қарор қилинди.

Собир Раҳимов туман партия кенгаши «Винрок интернешнл» фонди билан ҳамкорликда «Аёлларнинг йўналтирилган ҳуқуқий саводхонлиги» мавзусида ўтказилган икки кунлик семинар-ўқув ташкилотчиларидан бири бўлди. Унда иштирок этган барча талабалар Ўзбекистон ХДП аъзоларидирлар.

Ўзбекистон ХДП Китоб туман кенгаши биринчи котиби, халқ депутатлари туман Кенгашига партиямиздан сайланган депутатлар гуруҳи раҳбари А.Турсунпўлатов мазкур Кенгаш сессияларидан бирида аҳолига маданий-маърифий хизмат кўрсатишни яхшилаш, бу ишда кутубхоналар, клублар, маданият уйларининг иштирокини кучайтириш юзасидан аниқ таклифларни киритди. Ушбу таклифлар сессия қатнашчилари томонидан маъқулланиб, тегишли қарорларда ўз аксини топди.

ШОЛИ — 2002

НИЯТИ ЙЎЛДОШЛАР

тирокчилари ҳузурида бўлдик. Чиндан ҳам бирлашмада бу йил шоли ўрими мавсуми ҳар қачонгидан жадал ва уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Маъмур Қосимов, Рустам Акбаров каби комбайнчилар кунлик топшириқларини 150-160 фоиз адо этишга эришишяпти. Хирмонбоши Нишонбой Тунтаев, плёнка тайёрловчи Гулзода Содиқова, тарозибон Давлат Мингяшаровларнинг қўли-қўлига тегмайди...

— Бу йил яхши ният билан 2,5 минг гектар майдонга «Авангард», «Мустақиллик» номли шоли навлари уруғи экканлик, — дейди Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ туманидаги Алишер Навоий номли ширкатлар бирлашмасининг раиси Турсунхўжа Искандаров. — Шоли — биласиз, меҳнати оғир, инжиқ экин. Лекин, бирлашмамиз жамоаси асосан шоли етиштиришга ихтисослашганлиги учун унинг парвариши ва ҳосилдор бўлишининг ҳадисини олишган. Бирор йил йўқки, мўлжалдаги режани бажаролмай, доғда қолган бўлсак... Бу йил ҳам, мана кўриб турибсиз, хирмонимизнинг чўғи баланд.

Ўрим жадал кетаяпти. Далаларда «Кейс», «Енесей» комбайнлари юқори унум билан ишлатилмоқда. Биргина мисол: пудратчи Озод Акбаров ўтган йили гектар бошига 77 центнердан ҳосил олганди. Жорий йилги марраси — 80 центнердан... Ширкат бўйича эса ўртача ҳар гектар ердан 70 центнерлик хирмонни кўзлаб турибмиз.

Раис билан олтиндек товланган, шовуллаган шолизорларда, тош-тарозилар ўрнатилган хирмонжойларда, ўрим-йиғим ишларини ҳисобга олиш ишлари ҳам ҳаммаёқ ҳаракатда.

— Ҳадисларда «доим яхши ният қилгин, ниятинг ўзингга йўлдош бўлади» — дейилган, — суҳбатимизга якун ясади пудратчи О.Акбаров. — Раисимиз ҳам боя гапини «яхши ният билан» дея бошлаганининг боиси шунда. Ният қилувдик, ниятимиз йўлдош бўлмоқда...

✧✧✧

Суратларда: илғор шоликор — Озод Акбаров; ўрилган шоли хирмонда янчилиши олдидан даладаёқ қуритилмоқда; моҳир комбайнчилар — Маъмур Қосимов, Рустам Акбаров ўзлари бошқараётган «дала кема»си штурвалида.

■ **Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

МИННАТДОРЛИК

КЎНГИЛ МАЛҲАМИ

Мустақил юртимизда дардмандлар, кексалар ва ногиронлар алоҳида эътиборда, ижтимоий ҳимояга олинган. Биз буни республика ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий соғлиғини тиклаш миллий маркази-да яққол ҳис этдик. Бу масканни қисқача қилиб, тикланиш миллий маркази, деб юритишади. Юртимизнинг турли бурчакларидан соғлиқлари ночор инсонлар бу ерда ўзларини меҳнатга лаёқатли бўлгунларига қадар тикланиб оладилар. Гап шундаки, даволовчи шифокорлардан Зуфар Одамбоев, Фаҳриддин Азимов, Даврон Каримбердиев, ҳамширалар Саодат Юнусова, Назира Мусаевларнинг беморларга алоҳида эътибор билан қарашларидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Ибн Сино айтмоқчи, ташҳис, муолажа ўз йўлига экану, сўз малҳами ҳаётга муносабатингни ўзгартираркан. Марказда ҳар қандай хайрли ишларни рўёбга чиқаришда директор Н.Муҳаммаджонов билан бош шифокор Б.Полвоновларнинг хизматлари катта, албатта. Муҳими, соғлиғини тиклаб қайтаётган бирор беморнинг кўнгли тўлмаганини кўрмадик. Демак, ўз бурчига ва касбига ихлос қўйган шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўнлаб кишилар яна меҳнат қучоғига қайтишмоқда. Шунинг учун ҳам кўпчилик номидан тикланиш миллий маркази жамоасига миннатдорчилик билдирмоқчимиз.

Нукуслик Наримбет ОТАМБЕТОВ, Элликқалъадан Қадамбой ОТАБОЕВ, ғазалкентлик Маҳкамбой ТОШМЕТОВ, янгийўллик Расул АБДУШУКУРОВЛАР.

ШАҲРИСАБЗНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ТАДҚИҚОТЧИЛАР ТЎХТАМИ

Шу кунларда нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бири, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик санасини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Яҳё Ғуломов номли археология институти олимлари томонидан олиб борилган кенг миқёсли археологик тадқиқотлар натижасига кўра бу қадимий шаҳар Аҳмонийлар босқинидан ҳам салкам минг йил олдин мавжуд бўлган, деган тўхтамга келдилар.

— Шаҳрисабз дастлаб эрамиздан аввалги VII-VIII асрларда, ҳозирги Китоб тумани ҳудудидаги Шўробсой бўйида шаҳар сифатида шаклланган — дейди институтнинг илмий ходими, тарих фанлари номзоди Абдусобир Райимқулов. — Шаҳар эрамиздан аввалги 6-3 асрларда (бизга номаълум сабабларга кўра) янги жойга, яъни ҳозирги Китоб шаҳри ўрнига кўчиб ўтган. Шўробсой бўйидаги шаҳарнинг дастлабки харобалари ҳозирги Податаёқ ва Узунқир номи билан аталувчи тепаликлардир. Податаёқтепа шаҳар харобаси бўлса, Узунқир бир неча юз метр узунликда сақланиб қолган шаҳар мудофаа деворларининг қолдиқларидир.

Китоб шаҳри ўрнидаги шаҳар харобаси эса ҳозир Қаландартепа номи билан юритилади. Бу ерда Ўзбекистон Миллий Университети археология кафедраси олимлари 70-80 йилларда кенг миқёсли археологик қазишма ишлари олиб боришган.

Эрамизнинг тахминан 4-5 асрларига келиб, шаҳар яна бир бор янги жойга — ҳозирги Шаҳрисабз шаҳри ўрнига кўчган. Шаҳарларнинг ўз ўрнидан бошқа жойга кўчишлари тарихдан маълум. Масалан, Вавилон шаҳри бир неча минг йил давомида ўзининг дастлабки ўрнидан 60 километр сурилиб кетган. Эски Термиз харобалари ҳозирги Термиздан 17 километр узоқда, Қарши шаҳри ҳам ўз ўрнини икки марта ўзгартириб, дастлабки жойидан 12-13 километр узоқлашган. Шу аснода фикр юритадиган бўлсак, Шаҳрисабз ҳам ҳозир ўзининг дастлабки ўрнидан 16-17 километр узоқда қад ростлаб турибди.

Демак, бу тадқиқотлар Марказий Осиёда шаҳарсозлик маданияти аҳмонийлар босқинидан кейин ривожланган, деган фикрларни рад этади. Бироқ, бу ҳали энг сўнгги, мутлақ хулоса эмас, албатта. Тадқиқотлар, изланишлар давом этади...

■ **Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА**

«ДОФАСАТ»ГА ТАЛАБ КАТТА

Навоий «Электрокимё» заводи кимёгарлари Хитойнинг «Жуй Зей» компанияси билан ҳамкорликда «Дофасат» кимёвий дорисини ишлаб чиқаришди. Бегона ўтларга: жумладан қамиш, ажриқ, ғуммакка қарши бу гербицид тури айниқса, чўл ва ярим чўл массивлари дала-деҳқончилигига мўлжалланган. Бу ноёб кимё воситасидан гектарига 6 литр ишлатилса бас. У пахта, ғалла экинлари ривожини яхшилаш билан бирга бегона ўтларга қирон келтиради. Келгуси йиллардан бошлаб «Дофасат» йилига 100 тоннагача ишлаб чиқарилади. Ҳозирга қадар бу кимёвий воситаси Россиядан сотиб олинарди. Энди у Навоийда тайёрланаяпти.

■ **Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

«ОРБИТ» КЕРАКМИ... КИТОБМИ?

ЁҲУД «ХОРАЗМКИТОБ»НИНГ НОЧОР АҲВОЛИ ҲАҚИДА

Истиқлолдан сўнг китоб нашр қилиш ҳам мазмун, ҳам сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди. Ҳозирда ҳар бир вилоятда нашриётлар мавжуд. Ҳар куни ўнлаб китоблар чоп қилинмоқда. Аммо...

Баъзан давраларда китоб ўқиш ҳақида гап кетса, айримлар «Китоблар жуда қиммат бўп кетди-да» деб нолиб қолишади. Бунга эътироз йўқ, албатта. Ростдан ҳам китоблар нархи биз хоҳлагандан қиммат. Аммо худди шу ўринда бошқа савол хаёлга келади: Китоб ўқимаётганлар учун нарх-наво бир баҳона эмасмикин?

Қанча қиммат бўлмасин 300-500-1000 сўмга ҳар куни бир қути «Орбит», «Pine» ёки янада қимматларига пул топамиз-ку. Ёки ҳеч ўйламай 300-400 сўмга сақич сотиб оламиз. Гап бу ерда эҳтиёжга, талабга боғлиқ, чамамда. Аслида-ку бир дам чайнаб, сўнг ташлаб юбориладиган сақич қимматми ёки китобми деган саволнинг ўзи ноўрин. Негаки, тишни тозалаш билан ақлни чархлаш орасида ер билан осмонча фарқ бор. Китобни бир марта мириқиб ўқийсиз. Ёқса қайта-қайта қўлингизга оласиз. Жавонингизда туради. Эрта-индин болалар ўқишади, кейин навбат невараларга. Ялтироқ қоғозли сақич сиз харид қилиб оғзингизга солиб, бир-икки шимиб... сўнгра автобус бекатига боргунча вазифасини бажариб бўлади.

Тўғриси бундан 5-6 йил илгари китоб дўконларининг камайиб кетгани, китоб тарғиботи сусайгани ҳам китобхонлар сони камайишига сабаб бўлди.

Айримларнинг бозор сиёсатини «Онанг бозор — отанг бозор» қабилида ўз ошқозонига мослаши натижасида китоб савдоси нуфузига раҳна солинганди.

«Авесто»дек буюк китоб дунёга келган заминда илк бора тошбосма йўлга қўйилиб, Навоий ҳазратларининг «Хамса»си чоп қилинган диёрда, мўғуллар айрим ҳисоб-китобларга қараганда миллионлаб китобларни «мусодара қилиб» олиб кетган кўҳна тупроқда одамларнинг китобга бўлган эҳтиёжини қондириш бир муддат ночор аҳволга тушиб қолгани ҳам факт.

Қуруқ сафсата сотмайлик. 1994 йилда «Хоразмкитоб»да 9 та дўкон, учта киоска бўларди. Кейинча... учта китоб дўкони «айрим сабабларга кўра» бузиб ташланди, учтаси эса ижара ҳақи тўланмаганидан беркитилди. Учта киоска шаҳар кўркини бузмоқда, деган важ билан олдириб ташланди.

Булар шаҳардаги аҳвол. Туманлардаги ўн тўртта китоб дўкони ҳам ёпилди. Шу тахлит бир вақтлар юзлаб китоб сотувчилар, жамоатчи китоб тарқатувчилар бўлган ташкилот ихтиёрида бугунда атиги учта китоб дўкони ва учта киоска, тўққизта ходим қолган, холос. Аҳвол шу даражага борганки, ўтган 2001 йилда «Хоразмкитоб» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти 21 миллион 723 минг сўмлик китоб олиб сотган. Демак, бир йилда вилоят аҳолисининг ҳар бири ўрта ҳисобда 20 сўмлик китоб харид қилган. Бу ўта кулгили ҳол. Негаки, ҳозирда бир ютим газли сув 25 сўм турса. Ёки энг тежамкор кашанда ҳам кунига ўртача 200-300 сўмлик атрофида сигарет чекиб «миясини чарҳлаётган» кезда... 20 сўмлик китоб дейиш уятли ҳолат эмасми?

Китоб дўконларининг аксарияти шошма-шошарлик билан хусусийлаштирилгани рост. Аммо, улар ихтисосини сақлаб қолишлари керак эди. Бошида шундай бўлди. Каттагина китоб дўконини «ота мулки» қилиб олган «замонавий китобфуруш» аввалида дўконнинг бир бурчагида майда-чуйда сотишни йўлга қўйди. Йилдан йилга бу майда матоҳлар китобларни пештахталардан суриб чиқараверди. Яъни дўкондор янги китоблар олмади ва барча китобларни сотиб бўлгач дўкон бутунлай бошқа савдога ўтди-қўйди.

Бир вақтлар вилоят аҳоли жон бошига китоб харид қилиш бўйича Тошкент ва Қўқон шаҳарларидан ҳам ўзиб кетганди. Ҳозир эса...

Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори жуда долзарб, савобли иш бўлди.

...«Хоразмкитоб» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Илҳом Юсупий йил бошида вилоят ҳокимлигига ёзган хатида қуйидагиларни келтириб ўтади. «...Бибколлекторлар ҳам тугатилди. 1996 йилдан буён китоб берилмади. «Вилоятсавдо» томонидан китоб учун шартнома тузилмади. ...Бизга фоиз-сиз 15-20 миллион сўм пул берилса аҳволимизни ўнглаб олишга ёрдам бўларди...»

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида катта ёшдаги, зиёли одам учун кунда йигирма варақ китоб ўқиш меъёр саналади.

Булар ҳақда олдинроқ ёзсак бўларди. Дардимизни ҳукумат қароридан сўнг дастурхон қилаётганимиз боиси — «аза-да дардимизни айтаётганимиз» эмас, балки ҳукуматимизнинг ана шу дардга вақтида даво топганидан хурсандлигимиз.

Қарорда «...шаҳар ва туманларда қўшимча равишда очиладиган янги китоб дўконлари жойлаштирилишини белгилаш, уларни китоб маҳсулотларини сақлаш ва сотиш учун яроқли бўлган бинолар билан таъминлаш масаласини ҳал қилиш» ҳақида қатъий сўзлар бор. Ишқилиб, энди пештоғига «Китоб дўкони» деб ёзилган бинолар кўпайсин, харидорлар дўконларга сақич ёки сигарет учун эмас кўпроқ китоб сўраб киришсин. Дўкондор «Нима харид қилмоқчисиз — «Орбит»ми ё китобми?» деб сўраб турмасин.

■ **Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ПАРТИЯ ФАОЛЛИГИ ОМИЛИ

ЁКИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШЛАРИ ПАРТИЯВИЙ ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ, ЎЗИГА ХОС СИЁСИЙ ТАРБИЯ МАКТАБИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иккинчидан, **бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилишлари ЎзХДП сафига ихтиёрий кирган аъзоларнинг уюшганлигини, уюшган сиёсий кучга айланганликларини кўрсатади.** Уларда иштирок этганлар ўзларининг шу партияга мансубликларини, унинг ғояларига содиқликларини, сиёсатини қўллаб-қувватлашлари ва ҳаётга татбиқ этишга тайёр эканликларини намойиш этадилар. Шу жиҳатдан олганда, ҳар бир умумий йиғилиш партия сафларининг муайян маънодаги кўриги ҳамдир.

Учинчидан, **бошланғич партия ташкилотлари умумий йиғилишлари — партиявий демократиянинг кўзгуси:** уларда ташкилотларнинг ички ҳаётига оид барча масалалар, рўйхатда турган барча аъзоларнинг иштирокида, очиқ муҳокама этилиб, тегишли қарорлар кўпчиликнинг овози билан, жамоавий тарзда, қабул қилинади; ташкилотнинг раҳбар органи — ижроия бюро ва юқори партия сайланма органи (шаҳар ёки туман партия кенгаши) таркибига вакил сайланади; ташкилотнинг иш режаси тасдиқланади; ХДП сафига кирувчиларнинг аризалари ҳамда аъзолар томонидан ЎзХДП Низомининг бажарилиши (чунончи, партияга аъзолик бадалларини тўлаш) ҳаҳоли кўриб чиқилади ва ҳоказолар. Шунингдек, уларда қуйидан назорат тариқасида БПТ котиби ва ижроия бюросининг ахбороти ёки ҳисоботлари тингланади, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар танқид қилинади, уларни бартараф этиш тадбирлари белгиланади.

Тўртинчидан, **умумий партия йиғилишларининг** яна бир муҳим аҳамияти **ЎзХДП юқори органларининг қарорлари, дастурий ҳужжатлари мазмунини барча партиядошларга етказиш** ва уларни ижро этишни таъминловчи чора-тадбирларни белгилашдир. Шу билан бирга, бундай йиғилишлар кун тартибига умумпартия муҳокамасига чиқарилган масалалар, қонунлар, дастурлар лойиҳалари ҳам киритилиши мумкин. ЎзХДП дастурлари ва Низоми лойиҳалари шулар жумласидандир. Демак, умумий йиғилишларнинг **муҳим сиёсий масалалар бўйича партия аъзоларининг фикрини билиш, таклифларини ўрганишда ҳам аҳамияти каттадир.**

Бешинчидан, **умумий партия йиғилишлари** ҳақида сўз борганда уларнинг **ўзига хос сиёсий тарбия мактаби** эканлигини ҳам унутмайлик. Зеро, уларда қатнашган ЎзХДП аъзолари ўз сиёсий билимлари доирасини кенгайтирадилар, маъруза қилиб ёки муҳокамаларда иштирок этиб, кўпчилик орасида сўзлаш, яъни нотиқлик маҳоратини эгаллайдилар, сиёсатдонлик сир-асрорларини ўрганадилар.

Олтинчидан, **умумий партия мажлисларининг яна бир муҳим жиҳати** шундан иборатки, улар кўп ҳолларда очиқ тарзда, яъни партиясизлар иштирокида ўтказилиб, **ЎзХДПнинг аҳоли турли табақалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қиладилар**.

Ва ниҳоят, **умумий партия йиғилиши, ХДП бошланғич бўғинининг олий органи сифатида,** ташкилот ижроия бюроси ишлаб чиққан тавсияларини қабул қилади ёки инобатга олмайди, унинг қарорларини маъқуллайди ё рад этади, унга ва БПТ котибига топшириқлар бериб, уларнинг ижроси устидан назорат ўрнатади, яъни ташкилотга раҳнамолик қилиш вазифасини бажаради. Зарурат туғилганда юқори партия органларига мурожаат қилиши мумкин ва ҳоказолар.

Хуллас, юқоридагилардан кўриниб турибдики, **умумий партия йиғилишлари тўғрисидаги қоида Ўзбекистон ХДП Низомига сунъий тарзда киритилган бўлмай, балки мазкур сиёсий ташкилот учун ҳаётий заруратдир. Партия бошланғич ташкилотларсиз бўлмаганидай, уларнинг ўзларини ҳам умумий йиғилишларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.** Албатта, гап одамларни расмиятчилик учун йиғиб, узун-юлуқ маърузалар билан зериктириб, номигагина ўтказиладиган бесамар тадбирлар устида эмас, балки пухта тайёрланиб, ишчанлик руҳида ўтадиган, жамоатчиликни қизиқтираётган долзарб масалалар муҳокама қилиниб, аниқ қарорлар қабул қилинадиган мажлислар ҳақида бораётир.

Энди айтинг-чи, умумий йиғилишлар бошланғич партия ташкилотлари, қолаверса, бутун партия учун ортиқча нарсами? Уларсиз кўп сонли партия аъзоларини жипслаштириш, уларнинг сиёсий маданиятини оширишга, унинг дастурий ғояларини рўёбга чиқаришга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда янада фаолроқ иштирок этишга уларни сафарбар этиш мумкинми?! Албатта, йўқ.

Умумий йиғилишларда мунтазам иштирок этувчи ЎзХДП ҳар бир аъзосининг шу партияга мансублигини, унинг халқчил сиёсати ва серқирра фаолиятига шахсан дахлдорлигини яхши сезиши шубҳасиз. Бундай партиядошларимиз партия аъзолик бадалларини ҳамиша тўлаб турадилар, БПТ топшириқларини бекаму кўст бажаришга ҳаракат қиладилар, меҳнатда ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаолдирлар. Улар партия ташкилотлари ўтказадиган оммавий тадбирларда, тарғибот-ташвиқот ишларида бевосита қатнашадилар, уларни уюштиришга ҳисса қўшадилар.

Сафларимизда шундай кишиларнинг борлиги кўпгина партия ташкилотларида умумий йиғилишларнинг вақтида ўтказилаётганлигидан, уларда долзарб масалаларнинг муҳокамаси ЎзХДП аъзоларининг катта фаоллигида ўтаётганлигидан, мажлислар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни, асосан, яхши бажараётганликларидан далолат беради. Дарҳақиқат, умумий йиғилишлар мунтазам ўтказиладиган бошланғич партия ташкилотлари бизда талай. Масалан, Бекобод туманидаги «Ўзбекистон», А.Мавлонов номидаги ширкат хўжаликлари, Янгийўл шаҳридаги «Янгийўлёғмой», «Биокимё», «Лаззат», Олмалиқ шаҳридаги «Аммофос», «Олмалиққон» корхоналари, Юнусобод туманидаги «Гидрометаспоб» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси, Мансурхўжаев номидаги ва «Отчопар-2» маҳаллалари, «Бухоро текс» ва «Бухоронон», Марҳамат «Ип йигирув ва тикув», «Хоразм ипаги», «Наманганнотўқимачи» ҳиссадорлик жамиятлари, Чуст туманидаги «Олмос» ширкат хўжалиги ва Хонқа туманидаги «Намуна» қишлоқ фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатаётган ҳудудий, Урганч тумани марказий касалхонаси, Бухоро тиббиёт билим юрти ҳамда Қўрғонтепа қурилиш коллежи қошидаги бошланғич партия ташкилотларида умумий йиғилишларни ўтказишда узилишларга йўл қўйилмаётир. Уларнинг ҳар бирида жорий йилнинг ортда қолган ойлари давомида 4-5 мартадан ўтказилган мажлисларда бошланғич партия ташкилоти ижроия бюросининг ўтган йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, жорий йилга иш режаси, Марказий Кенгаш IV пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича вазифалар, Ўзбекистон ХДП Экологик дастури лойиҳаси, мамлакатимизда бўлажак парламент ислоҳотига партиямизнинг нуқтаи назари ва бошқа кўплаб муҳим масалалар муҳокама қилиниб, ХДП аъзоларининг ушбу соҳалардаги аниқ вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари диққатга сазовор. Унинг тавсиясига кўра олдинги йили «Янгича ишлаш, ташаббускорлик — ютуқлар гарови» мавзуида ягона кун тартиби билан бошланғич партия ташкилотларида йиғилишлар ўтказилган эди. Жорий йилда вилоят партия ташкилотларида бўлиб ўтган умумий йиғилишларнинг ягона кун тартиби, Марказий Кенгаш кўрсатмасига мувофиқ, ХДП аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакат парламенти саккизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган қоида ва хулосалар ҳамда МК IV пленуми қарорларидан, мамлакатимиздаги ислоҳотлар янги босқичида келиб чиқадиган вазифалари, деб номланди. Мавжуд 1167 та бошланғич партия ташкилотининг аксариятида мажлислар бўлиб ўтди. Уларда 43 мингдан ортиқ киши қатнашди, 3276 нафар партиядош сўзга чиқди. Умумий йиғилишларнинг сифатини билиш мақсадида, ЎзХДП Оққўрғон туман кенгашининг шу соҳани йўналтириш амалиёти ўрганилиб, ижроия бюро йиғилишида кўриб чиқилди. Муҳокама якунида вилоятдаги ЎзХДП шаҳар ва туман кенгашларига умумий партия йиғилишларини ўтказишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, уларнинг савиясини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш тавсия этилди. Навбатдаги вазифа минтақавий семинар-кенгашлар якунларига бағишланган партия йиғилишларини юксак савияда ўтказишдир.

Ҳар бир бошланғич партия ташкилотида умумий йиғилишларнинг юксак савияда мунтазам ўтказилишидан барча партия кенгашлари, бутун Ўзбекистон ХДП манфаатдордир. Зеро, бунинг натижасида партия қуйи бўғинининг иши жонланади, ХДП аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошади. Пойдевори мустаҳкам ташкилот эса, ҳар қандай қийинчиликларни енгишга, энг масъулиятли ишларни қилишга қодирдир

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ЖИҲОЗЛАРИ

Япония ҳукуматининг гранти йўналиши бўйича Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) иштирокида республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига 6 миллион 720 минг долларлик тиббий ускуналар топширилди.

— Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш ташаббусини кўтариб чиққандан сўнг, мамлакатингизга япониялик мутахассислар келиб биринчи навбатда, зарур бўладиган ускуналар ва лойиҳа қийматини аниқлашди, — деди JICAнинг Ўзбекистондаги раҳбари Каэ Янагисава **«Туркистон-пресс»** мухбирига.

К.Янагисавани таъкидлашича, лойиҳа Япония ҳукумати томонидан тасдиқланиб, тиббиёт техникалари хариди учун тендер эълон қилинди. Ускуналар АҚШ, Италия, Финландия, Япония мамлакатларининг етакчи компанияларидан сотиб олинди. Булар томографик қурилма, ультратовуш сканери, рентген блоки ва бошқа тиббий жиҳозлардан иборат. Уларни ўрнатиш шу йил январь ойида бошланиб, якинда ниҳоясига етказилди. Замонавий ускуналарда ишлаш учун Ўзбекистон мутахассислари Японияда малака ошириб қайтишди.

Шу йил ноябрь ойида Японияда Ўзбекистон тиббиёт ўқув юртларини махсус қўлланмалар, жиҳозлар ва бошқа ўқув воситалари билан жиҳозлашга қаратилган янги лойиҳа кўриб чиқилади.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш лойиҳасининг амалга оширилиши JICAнинг Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келгуси ҳамкорлигида ижобий аҳамият касб этади. JICA воситасида ўтган йиллар (1993-2002 йил) давомида кўрсатилган ёрдамнинг жами миқдори салкам 40 миллион долларни ташкил этди.

Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, республика Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон миллий симфоник оркестри, Давлат консерваторияси ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлар ҳомийлигида III-халқаро симфоник мусиқа фестивали бўлиб ўтди.

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ

Кузнинг ушбу ажойиб кунларида 14 та давлатнинг ўзининг оқим ва йўналишлари турлича бўлган композиторлар ижодиёти ана шу мусиқа байрамида намойиш этилди.

Ушбу фестивалнинг тантанали очилиши Ўзбекистон Давлат консерваториясида бўлиб ўтди. Концертлар нафақат Тошкентда, балки мамлакатимизнинг бошқа маданият марказлари бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Жиззахда ҳам бўлиб ўтди.

Ушбу фестивалга атаб таниқли ўзбек композитори Рустам Абдуллаев «Раталла» деб номланган фортепиано ва оркестр учун поэма ёзди. У илк бор фестивалнинг очилишида ижро этилди. «Раталла», — дейди Р.Абдуллаев, — бу Авесто давридан бизгача етиб келган хурсандчиликни ифодаловчи хоразмча эркаклар рақси».

Яна бир ўзига хос миллий руҳда яратилган М.Бафоевнинг «Хўжа Насриддин ва Карменсита Бухорода» симфоник оркестр учун яратилган концерт — балет ҳам илк бор фестиваль очилишида янгради. Композитор ушбу асарда ҳазил-аския аралаш шарқона лирик ифода воситаларидан фойдаланиб икки ажойиб образларни хаёлан Бухорода учраштирди.

■ Саодат ЖЎРАБЕКОВА

АМУДАРЁ УСТИДА ЯНГИ КЎПРИК



Туямўйин гидроэнергетика мажмуи яқинида Амударё устига қурилаётган янги кўприк — Оролбўйи ҳудудидаги энг йирик ва муҳим аҳамиятга эга қурилиш иншоотларидан бири. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг кўплаб қурилиш ташкилотлари саъй-ҳаракатлари билан тикланаётган ушбу кўприкни қисқа фурсат ичида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Зеро, бу иншоот ишга тушгач, халқ хўжалиги юклари ортилган эшелонлар ва йўловчи поездларининг илгари Туркманистон ҳудуди орқали узоқдан-узоқ масофани босиб ўтишига эҳтиёж қолмайди. Бу эса нафақат маблағни, балки юклар ва йўловчилар вақтини ҳам тежаш имконини беради.

Мустақиллик йиллари воҳада қад ростлаётган ўнлаб қўшма корхоналар, солинаётган равон автомобиль йўллари, юзлаб километр узунликдаги пўлат излар, саҳролар бағрини тилиб учаётган учқур поездлар, муҳташам турар жой бинолари, янгидан ташкил этилаётган аҳоли манзилгоҳлари, хўжаликлар ва қурилаётган кўприклар... ҳаммаҳаммаси — қорақалпоғистонликлар ва Хоразм вилояти аҳолисининг турмуш тарзи, моддий фаровонлиги давлатимиз раҳбариятининг доимий диққат марказида турганлигидан ёрқин далолатдир.

■ Замира СМАТУЛЛАЕВА

✧✧✧

Суратларда: илғор пайвандчи Жуманиёз Бекниёзов; кўприк қурилиши майдонларида иш қизғин; иншоот тикланаётган жойдан бир кўриниш.

Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар.

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

РОМАНОВ ЁКИ ИСКАНДАР САРОЙИ

Метронинг Мустақиллик станцияси ёнида мўъжазгина ғиштли бино бор: бу бинони кўпчилик билади. Турли даврларда турли ташкилотлар ихтиёрида бўлган. Аммо уни қачонлардир Искандар саройи деб аташгани, XIX аср ёдгорлиги бўлмиш бу сарой тарихий бир шахс ҳаёти билан боғлиқлигини кўпчилик билмаса керак. Бу шахс Россия императори Николай I нинг набираси буюк князь Николай Константинович Романовдир

(Давоми. Боши 1-бетда)

Петербургга қайтган буюк князь навбатдаги зиёфатлардан бирида америкалик гўзал аёл Фанни Лир билан танишиб, унга кўнгил қўяди. Аёлнинг гўзаллиги, ҳусн-латофати уни ўзига ром этади. Икки ёш ўртасида муҳаббат ришталари пайдо бўлади.

Икки йил давом этган муҳаббатга Европадаги саёҳатлар, ишқий саргузаштлар уланиб кетади. Бир куни ошиқлар ўзаро уришиб қолишади. Аёл Францияга кетиб қолади. Буюк князь унинг фирокида ёниб, ўртанади. Нима қилиб бўлса ҳам севгилисининг кўнглини олиш дардида ёнган буюк князь қалтис ишга қўл уради. Императорга тегишли оилавий ёдгорлик — уч бебаҳо жавоҳирни яширинча қўлга киритиб, адъютанти орқали Парижга, севгилиси Фаннига юборади. Бундай совғадан ийиб кетган Фанни буюк князга муҳаббатини қайтаради. Аммо бунинг эвазига буюк князь Россия тахтидан абадий маҳрум этилади.

Император саройи унинг бу ўғирлигини сира кечира олмади. Князь империя чекка ўлкаси Оренбург генерал-губернаторлигига сургун қилинади. Худди шу Оренбургда унинг иккинчи, чинакам табиати намоён бўлади. Гвардия офицери эндиликда илмий-тадқиқот ишларига берилиб кетади. Севимли машғулоти — Ўрта Осиёни ўргана бошлади. Ўз ҳисобидан Қорақум ва Қизилқум саҳроларига экспедициялар ташкил қилиб, уларга ўзи бош бўлди. Уларнинг якуни Николай Константиновичнинг «Аму ва Ўзбой» ва «Ўрта Осиёнинг сув йўли» китобларида ўз аксини топди. У шу ерда абадул-абад сарой ҳаётидан воз кечди. Оддий казак қизи Надежда Александровнага уйланди. Қора кўз бу қизнинг муҳаббати такаббур ва ҳавойи Фанни Лирнинг муҳаббатидан устун чиқди. Америкалик кибор аёл деб Россия тожу тахтидан, ўз унвон ва мартабаларидан маҳрум бўлган эди. Князга тақдир пок севгили гўзал ёрни ато этди.

1881 йилда тахтга ўтирган янги император Александр III уни Туркистон ўлкасига сургун қилиб, генерал-губернатор назоратига топширди.

Буюк князь Тошкентга келгач, ўзи учун янги қароргоҳ қуришга аҳд қилди. Машҳур меъмор Бенуа ва муҳандис Гейцельманга генерал-губернатор қароргоҳи (қароргоҳ ҳозирги Мустақиллик майдони ҳудудида, Анҳор бўйида бўлган) яқинида князь саройини қуришни топширди.

Шу тариқа Тошкентда 1883 йилда Ўрта аср қасрини эслатувчи, пишиқ ғиштдан ишланган Николай Константинович саройи қад ростлади. Атрофи мармар ҳайкаллар ва фавворалар билан безатилган бу сарой ўз услуби, чиройи ва дабдабаси билан алоҳида ажралиб турар эди. Сарой қурилишида асосан маҳаллий уста ва ҳунармандлар иштирок этган.

Буюк князь Николай Константиновичнинг бу саройи ўша вақтда халқ ўртасида «Искандар саройи» сифатида машҳур эди. Гап шундаки, буюк князь никоҳдан ўтаётганда император хонадонига нафратини ошкора намойиш қилиб, Романов фамилиясини «Искандар» деб ўзгартирган ва рафиқасини ҳам шу янги фамилияга ўтказган эди.

Искандар ўз маблағи ҳисобига Тошкент атрофидаги бўз ерларни ўзлаштириш учун бир неча каналлар барпо қилди. Ўзлаштирилган ерларнинг бир қисми маҳаллий аҳолига, қолгани князь ҳисобига берилган.

Искандар ўзлаштирилган ерларини ижарага бериш ҳисобига катта бойлик орттирди. У ўлкада тадбиркорлик билан шуғулланиб, пахта тозалаш, ёғ-мой, совун ишлаб чиқарувчи заводлар қуриб, уларни ижарага топширади.

XX аср бошига келиб князь Искандар Туркистон ўлкасининг энг йирик капиталисти, мулкдори ва заминдорига айланди. Искандар саройидаги хизматкорларнинг кўпчилиги ўзбеклар эди.

1894 йилда Россия империяси тахтига Николай II ўтиргач, буюк князь Искандарга муносабат ўзгарди. Янги император унга яхши илтифот кўрсатиб, ундан назоратни олиб ташлади, эркин юриши ва истаган жойларига бориб келишига рухсати олий берди.

Искандар Петербург ва Европага қилган саёҳатларидан ўз саройига ноёб ва қимматбаҳо картиналарни келтирди. Жуда бой кутубхона яратди. Нодир моддий ва маънавий ёдгорликлар коллекциялари тўплади. Князь Искандар 1918 йил 14 январда тўсатдан, сирли вазиятда вафот этди. Октябрь тўнтаришидан кейин большевиклар князь мол-мулкининг барчасини мусодара қилди. Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 19 апрелдаги №116-сонли декрети билан князь Искандарнинг Тошкентдаги саройи ва барча коллекциялари давлат мулки деб эълон қилинди. Сарой бадиий музейга айлантирилиб, унинг мудири этиб князь рафиқаси Надежда Константиновна тайинланди. Князь рафиқаси бундай «илтифот»га 200 минг олтин рублга баҳоланган қадимий қуроллар, Ўзбекистон ва хорижда ишланган бебаҳо қадимий ноёб буюмлар коллекцияларини ихтиёрий топширгани учун эришди.

Княздан икки фарзанд қолган эди — ўғли Александр 1957 йилда Парижда вафот этган, қизи Наталья эса Москвада цирк артисти эди.

Замоннинг зайли билан юз йигирма йил илгари бунёд этилган бу бино тарихи кишини ўйлашга, ўтмишдан, ҳаётдан сабоқ чиқаришга ундайди. Қаранг, йиллар ўтаркан, асрлар ўтаркан, давронлар ўтаркан, замонлар ўтаркан. Инсондан ёдгорлик бўлиб фақат фарзандлари, қурган иморатлари, яратган боғлари қоларкан.

■ Ҳамдам СОДИҚОВ

«НУРОНИЙ» ХАЙРИЯ ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ ЛОТЕРЕЯСИ БЎЙИЧА 2002 ЙИЛ 25 СЕНТЯБРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тиражда лотереянинг умумий суммаси 160 млн. сўмлик 121985 та пул-буюм ютуқлари ўйналди.
Ютуқлар тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилди.
Серияси ва рақами қуйидаги лотерея билетларига ютуқлар чиқди.

Серия рақами	Билет рақами	Ютуқнинг номи
000020	082*)	50000 сўм пул ютуғи
000057	1-200	500 сўм пул ютуғи
000065	167*)	50000 сўм пул ютуғи
000068	1-200	250 сўм пул ютуғи
000074	1-200	500 сўм пул ютуғи
000096	009*)	1000000 сўм пул ютуғи
000098	126*)	250000 сўм пул ютуғи
000112	149*)	50000 сўм пул ютуғи
000116	1-200	250 сўм пул ютуғи
000117	078*)	50000 сўм пул ютуғи
000123	1-200	500 сўм пул ютуғи
000129	1-200	250 сўм пул ютуғи
000181	1-200	500 сўм пул ютуғи
000184	1-200	500 сўм пул ютуғи
000200	119	10000 сўм пул ютуғи
000206	1-200	500 сўм пул ютуғи
000212	1-200	500 сўм пул ютуғи
000218	142*)	50000 сўм пул ютуғи
000227	143*)	250000 сўм пул ютуғи
000235	172*)	50000 сўм пул ютуғи
000238	1-200	5000 сўм пул ютуғи
000253	1-200	500 сўм пул ютуғи
000257	1-200	1000 сўм пул ютуғи
000258	1-200	500 сўм пул ютуғи
000260	1-200	500 сўм пул ютуғи
000264	065	100000 сўм пул ютуғи
000271	005*)	50000 сўм пул ютуғи
000274	1-200	500 сўм пул ютуғи
000284	164	10000 сўм пул ютуғи
000293	1-200	1000 сўм пул ютуғи
000295	114	100000 сўм пул ютуғи
000310	090	10000 сўм пул ютуғи
000312	1-200	500 сўм пул ютуғи
000387	006*)	50000 сўм пул ютуғи
000411	173	100000 сўм пул ютуғи
000432	1-200	5000 сўм пул ютуғи
000441	192	10000 сўм пул ютуғи
000459	1-200	250 сўм пул ютуғи
000496	1-200	500 сўм пул ютуғи
000508	200	400 сўм пул ютуғи
000516	1-200	5000 сўм пул ютуғи
000532	188*)	1000000 сўм пул ютуғи
000629	006*)	50000 сўм пул ютуғи
000631	1-200	250 сўм пул ютуғи
000633	1-200	250 сўм пул ютуғи
000634	1-200	250 сўм пул ютуғи
000656	1-200	500 сўм пул ютуғи
000663	008*)	1000000 сўм пул ютуғи
000666	169*)	50000 сўм пул ютуғи
000669	104*)	50000 сўм пул ютуғи
000700	1-200	250 сўм пул ютуғи
000710	111*)	50000 сўм пул ютуғи
000716	1-200	250 сўм пул ютуғи
000735	162*)	50000 сўм пул ютуғи
000739	1-200	1000 сўм пул ютуғи
000752	1-200	500 сўм пул ютуғи
000781	161*)	50000 сўм пул ютуғи
000806	1-200	250 сўм пул ютуғи
000858	1-200	500 сўм пул ютуғи
000874	1-200	250 сўм пул ютуғи
000897	1-200	500 сўм пул ютуғи
000898	1-200	250 сўм пул ютуғи
000912	168	100000 сўм пул ютуғи
000933	1-200	500 сўм пул ютуғи
000941	098	400 сўм пул ютуғи
000942	132	100000 сўм пул ютуғи
000952	093*)	50000 сўм пул ютуғи
000963	1-200	500 сўм пул ютуғи
000965	1-200	500 сўм пул ютуғи
000988	035	10000 сўм пул ютуғи
000998	1-200	500 сўм пул ютуғи
001016	1-200	500 сўм пул ютуғи
001030	122	10000 сўм пул ютуғи
001045	032*)	50000 сўм пул ютуғи
001048	1-200	500 сўм пул ютуғи
001051	020*)	50000 сўм пул ютуғи
001101	161*)	50000 сўм пул ютуғи
001108	1-200	500 сўм пул ютуғи
001111	093	100000 сўм пул ютуғи
001112	1-200	500 сўм пул ютуғи
001113	1-200	250 сўм пул ютуғи
001121	1-200	1000 сўм пул ютуғи
001128	1-200	250 сўм пул ютуғи
001130	1-200	1000 сўм пул ютуғи
001141	1-200	500 сўм пул ютуғи
001150	1-200	1000 сўм пул ютуғи
001160	1-200	250 сўм пул ютуғи
001193	1-200	1000 сўм пул ютуғи
001202	1-200	250 сўм пул ютуғи
001208	126*)	50000 сўм пул ютуғи
001224	1-200	500 сўм пул ютуғи
001226	1-200	250 сўм пул ютуғи
001237	1-200	1000 сўм пул ютуғи
001247	1-200	250 сўм пул ютуғи
001249	169*)	50000 сўм пул ютуғи
001262	1-200	1000 сўм пул ютуғи
001281	1-200	1000 сўм пул ютуғи
001301	112	10000 сўм пул ютуғи
001304	1-200	5000 сўм пул ютуғи
001307	167	10000 сўм пул ютуғи
001312	019	10000 сўм пул ютуғи
001321	069	100000 сўм пул ютуғи
001340	005	400 сўм пул ютуғи
001352	1-200	500 сўм пул ютуғи
001386	1-200	1000 сўм пул ютуғи
001394	155	100000 сўм пул ютуғи
001404	1-200	1000 сўм пул ютуғи
001412	007	Дамас автомашинаси
001413	200	10000 сўм пул ютуғи
001417	1-200	1000 сўм пул ютуғи
001431	1-200	500 сўм пул ютуғи
001438	065	10000 сўм пул ютуғи
001450	155	10000 сўм пул ютуғи
001462	1-200	250 сўм пул ютуғи
001496	1-200	5000 сўм пул ютуғи
001507	089*)	50000 сўм пул ютуғи
001509	044*)	50000 сўм пул ютуғи
001516	1-200	500 сўм пул ютуғи
001523	1-200	500 сўм пул ютуғи
001558	1-200	500 сўм пул ютуғи
001561	124	10000 сўм пул ютуғи
001581	002	10000 сўм пул ютуғи
001592	041*)	50000 сўм пул ютуғи
001593	116	10000 сўм пул ютуғи
001598	1-200	250 сўм пул ютуғи
001609	089*)	50000 сўм пул ютуғи
001614	011	100000 сўм пул ютуғи
001637	1-200	250 сўм пул ютуғи
001641	166*)	250000 сўм пул ютуғи
001642	133*)	250000 сўм пул ютуғи
001653	040	100000 сўм пул ютуғи
001656	010*)	50000 сўм пул ютуғи
001659	1-200	250 сўм пул ютуғи
001662	077*)	250000 сўм пул ютуғи
001683	1-200	500 сўм пул ютуғи
001692	1-200	500 сўм пул ютуғи
001695	118*)	50000 сўм пул ютуғи
001711	1-200	1000 сўм пул ютуғи
001746	182	400 сўм пул ютуғи
001773	076	100000 сўм пул ютуғи
001786	128*)	50000 сўм пул ютуғи
001787	107*)	1000000 сўм пул ютуғи
001830	1-200	500 сўм пул ютуғи
001840	1-200	250 сўм пул ютуғи
001842	136	100000 сўм пул ютуғи
001851	112*)	50000 сўм пул ютуғи
001866	1-200	500 сўм пул ютуғи
001884	1-200	5000 сўм пул ютуғи
001891	147*)	50000 сўм пул ютуғи
001898	1-200	500 сўм пул ютуғи
001912	1-200	1000 сўм пул ютуғи
001914	002	10000 сўм пул ютуғи
001916	1-200	250 сўм пул ютуғи
001946	039	10000 сўм пул ютуғи
001953	141	10000 сўм пул ютуғи
001996	111	10000 сўм пул ютуғи
002009	070*)	50000 сўм пул ютуғи
002037	1-200	250 сўм пул ютуғи
002042	1-200	1000 сўм пул ютуғи
002083	069*)	50000 сўм пул ютуғи
002114	083	100000 сўм пул ютуғи
002123	1-200	250 сўм пул ютуғи
002139	1-200	500 сўм пул ютуғи
002162	056*)	250000 сўм пул ютуғи
002211	1-200	250 сўм пул ютуғи
002222	1-200	1000 сўм пул ютуғи
002235	1-200	250 сўм пул ютуғи
002238	054	10000 сўм пул ютуғи
002239	1-200	250 сўм пул ютуғи
002263	196	10000 сўм пул ютуғи
002269	184*)	50000 сўм пул ютуғи
002285	061*)	50000 сўм пул ютуғи
002288	182	400 сўм пул ютуғи
002298	061	10000 сўм пул ютуғи
002303	1-200	500 сўм пул ютуғи
002323	059*)	50000 сўм пул ютуғи
002341	011*)	50000 сўм пул ютуғи
002345	1-200	500 сўм пул ютуғи
002349	1-200	250 сўм пул ютуғи
002366	041	10000 сўм пул ютуғи
002390	1-200	1000 сўм пул ютуғи
002391	1-200	500 сўм пул ютуғи
002394	123*)	50000 сўм пул ютуғи
002417	006*)	50000 сўм пул ютуғи
002426	1-200	250 сўм пул ютуғи
002427	1-200	5000 сўм пул ютуғи
002464	1-200	500 сўм пул ютуғи
002470	140*)	50000 сўм пул ютуғи
002472	1-200	500 сўм пул ютуғи
002476	174*)	50000 сўм пул ютуғи
002503	040	10000 сўм пул ютуғи
002505	010*)	50000 сўм пул ютуғи
002528	139	10000 сўм пул ютуғи
002530	138*)	50000 сўм пул ютуғи
002541	036	10000 сўм пул ютуғи
002590	1-200	1000 сўм пул ютуғи
002614	1-200	250 сўм пул ютуғи
002657	1-200	1000 сўм пул ютуғи
002679	1-200	500 сўм пул ютуғи
002683	065*)	50000 сўм пул ютуғи
002692	1-200	250 сўм пул ютуғи
002735	1-200	5000 сўм пул ютуғи
002742	018*)	50000 сўм пул ютуғи
002761	031*)	50000 сўм пул ютуғи
002789	056	400 сўм пул ютуғи
002791	1-200	500 сўм пул ютуғи
002814	1-200	500 сўм пул ютуғи
002823	121*)	50000 сўм пул ютуғи
002840	193*)	50000 сўм пул ютуғи
002881	1-200	500 сўм пул ютуғи
002883	1-200	500 сўм пул ютуғи
002887	073	10000 сўм пул ютуғи
002890	1-200	1000 сўм пул ютуғи
002903	1-200	250 сўм пул ютуғи
002917	1-200	1000 сўм пул ютуғи
002918	1-200	250 сўм пул ютуғи
002923	008*)	50000 сўм пул ютуғи
002939	073	10000 сўм пул ютуғи
002950	091	10000 сўм пул ютуғи
002952	1-200	250 сўм пул ютуғи
002953	144*)	50000 сўм пул ютуғи
002997	074*)	50000 сўм пул ютуғи
003008	059	10000 сўм пул ютуғи
003024	094*)	Тико автомашинаси
003061	032	10000 сўм пул ютуғи
003062	100	10000 сўм пул ютуғи
003089	1-200	250 сўм пул ютуғи
003106	1-200	250 сўм пул ютуғи
003133	121*)	Тико автомашинаси
003134	172*)	50000 сўм пул ютуғи
003148	195*)	50000 сўм пул ютуғи
003163	1-200	500 сўм пул ютуғи
003164	173*)	50000 сўм пул ютуғи
003176	1-200	1000 сўм пул ютуғи
003181	032*)	50000 сўм пул ютуғи
003191	1-200	500 сўм пул ютуғи
003195	1-200	250 сўм пул ютуғи
003201	047	10000 сўм пул ютуғи
003205	1-200	250 сўм пул ютуғи
003251	1-200	250 сўм пул ютуғи
003260	012*)	250000 сўм пул ютуғи
003264	050*)	50000 сўм пул ютуғи
003270	046	10000 сўм пул ютуғи
003281	013*)	50000 сўм пул ютуғи
003282	143*)	50000 сўм пул ютуғи
003302	039	100000 сўм пул ютуғи
003306	1-200	25000 сўм пул ютуғи
003327	1-200	500 сўм пул ютуғи
003334	194*)	50000 сўм пул ютуғи
003340	1-200	1000 сўм пул ютуғи
003358	166*)	50000 сўм пул ютуғи
003363	1-200	250 сўм пул ютуғи
003372	152*)	50000 сўм пул ютуғи
003389	023	10000 сўм пул ютуғи
003391	052	10000 сўм пул ютуғи
003399	1-200	250 сўм пул ютуғи
003445	141*)	50000 сўм пул ютуғи
003446	117*)	50000 сўм пул ютуғи
003515	1-200	500 сўм пул ютуғи
003528	1-200	500 сўм пул ютуғи
003535	137	10000 сўм пул ютуғи
003539	192	10000 сўм пул ютуғи
003544	1-200	250 сўм пул ютуғи
003582	094	10000 сўм пул ютуғи
003593	1-200	250 сўм пул ютуғи
003605	152*)	250000 сўм пул ютуғи
003617	1-200	1000 сўм пул ютуғи
003623	1-200	250 сўм пул ютуғи
003656	1-200	1000 сўм пул ютуғи
003672	1-200	500 сўм пул ютуғи
003697	039	400 сўм пул ютуғи
003716	178	400 сўм пул ютуғи
003719	1-200	1000 сўм пул ютуғи
003750	052	100000 сўм пул ютуғи
003759	108	10000 сўм пул ютуғи
003764	1-200	1000 сўм пул ютуғи
003777	1-200	250 сўм пул ютуғи
003785	092*)	50000 сўм пул ютуғи
003824	1-200	10000 сўм пул ютуғи
003834	1-200	250 сўм пул ютуғи
003836	051	10000 сўм пул ютуғи
003849	165	10000 сўм пул ютуғи
003900	163	400 сўм пул ютуғи
003907	091	100000 сўм пул ютуғи
003910	1-200	250 сўм пул ютуғи
003925	1-200	500 сўм пул ютуғи
003933	025	10000 сўм пул ютуғи
003937	109*)	50000 сўм пул ютуғи
003939	200	100000 сўм пул ютуғи
003942	079*)	50000 сўм пул ютуғи
003966	1-200	500 сўм пул ютуғи
003980	160	10000 сўм пул ютуғи
003988	1-200	500 сўм пул ютуғи
003990	1-200	1000 сўм пул ютуғи
003994	1-200	5000 сўм пул ютуғи
003998	1-200	500 сўм пул ютуғи
004007	1-200	250 сўм пул ютуғи
004017	1-200	500 сўм пул ютуғи
004025	1-200	250 сўм пул ютуғи
004030	1-200	1000 сўм пул ютуғи
004051	026	100000 сўм пул ютуғи
004053	049*)	50000 сўм пул ютуғи
004058	139*)	50000 сўм пул ютуғи
004072	1-200	250 сўм пул ютуғи
004079	040*)	50000 сўм пул ютуғи
004080	053*)	50000 сўм пул ютуғи
004100	1-200	250 сўм пул ютуғи
004111	178	100000 сўм пул ютуғи
004129	132	400 сўм пул ютуғи
004132	1-200	250 сўм пул ютуғи
004134	138*)	50000 сўм пул ютуғи
004137	084*)	50000 сўм пул ютуғи
004149	1-200	250 сўм пул ютуғи
004150	1-200	1000 сўм пул ютуғи
004152	1-200	1000 сўм пул ютуғи
004159	1-200	500 сўм пул ютуғи
004178	107	10000 сўм пул ютуғи
004182	134	10000 сўм пул ютуғи
004190	1-200	250 сўм пул ютуғи
004205	1-200	500 сўм пул ютуғи
004209	169	10000 сўм пул ютуғи
004215	158	400 сўм пул ютуғи
004220	1-200	500 сўм пул ютуғи
004244	118	10000 сўм пул ютуғи
004289	1-200	5000 сўм пул ютуғи
004294	1-200	250 сўм пул ютуғи
004302	1-200	1000 сўм пул ютуғи
004323	1-200	250 сўм пул ютуғи
004343	1-200	500 сўм пул ютуғи
004352	1-200	5000 сўм пул ютуғи
004356	1-200	250 сўм пул ютуғи
004405	106	400 сўм пул ютуғи
004429	155*)	50000 сўм пул ютуғи
004441	035	100000 сўм пул ютуғи
004445	165*)	50000 сўм пул ютуғи
004452	031*)	250000 сўм пул ютуғи
004474	096	400 сўм пул ютуғи
004538	046	400 сўм пул ютуғи
004569	1-200	250 сўм пул ютуғи
004572	1-200	5000 сўм пул ютуғи
004576	135*)	50000 сўм пул ютуғи
004577	1-200	500 сўм пул ютуғи
004583	1-200	250 сўм пул ютуғи
004591	1-200	1000 сўм пул ютуғи
004602	086	10000 сўм пул ютуғи
004610	1-200	250 сўм пул ютуғи
004618	122*)	50000 сўм пул ютуғи
004636	1-200	1000 сўм пул ютуғи
004642	1-200	1000 сўм пул ютуғи
004655	1-200	5000 сўм пул ютуғи
004661	1-200	1000 сўм пул ютуғи
004690	066	10000 сўм пул ютуғи
004702	1-200	500 сўм пул ютуғи
004773	113	10000 сўм пул ютуғи
004789	164	10000 сўм пул ютуғи
004846	188	400 сўм пул ютуғи
004858	1-200	500 сўм пул ютуғи
004864	119*)	50000 сўм пул ютуғи
004877	1-200	5000 сўм пул ютуғи
004893	1-200	500 сўм пул ютуғи
004916	069*)	50000 сўм пул ютуғи
004922	1-200	500 сўм пул ютуғи
004947	1-200	250 сўм пул ютуғи
004974	1-200	1000 сўм пул ютуғи
004992	1-200	500 сўм пул ютуғи
004995	1-200	500 сўм пул ютуғи
005020	1-200	5000 сўм пул ютуғи
005028	1-200	250 сўм пул ютуғи
005031	1-200	250 сўм пул ютуғи
005038	1-200	500 сўм пул ютуғи
005047	193*)	50000 сўм пул ютуғи
005065	1-200	500 сўм пул ютуғи
005083	1-200	500 сўм пул ютуғи
005130	1-200	500 сўм пул ютуғи
005134	075*)	50000 сўм пул ютуғи
005148	015	10000 сўм пул ютуғи
005150	094	100000 сўм пул ютуғи
005159	1-200	250 сўм пул ютуғи
005176	1-200	500 сўм пул ютуғи
005200	189*)	250000 сўм пул ютуғи
005230	1-200	250 сўм пул ютуғи
005232	1-200	250 сўм пул ютуғи
005250	1-200	500 сўм пул ютуғи
005266	1-200	500 сўм пул ютуғи
005285	035	100000 сўм пул ютуғи
005309	1-200	500 сўм пул ютуғи
005338	1-200	500 сўм пул ютуғи
005345	1-200	250 сўм пул ютуғи
005351	018*)	50000 сўм пул ютуғи
005365	1-200	250 сўм пул ютуғи
005374	170*)	250000 сўм пул ютуғи
005400	1-200	5000 сўм пул ютуғи
005405	1-200	250 сўм пул ютуғи
005416	1-200	500 сўм пул ютуғи
005425	140*)	50000 сўм пул ютуғи
005445	1-200	1000 сўм пул ютуғи
005461	099*)	50000 сўм пул ютуғи
005482	1-200	250 сўм пул ютуғи
005489	1-200	1000 сўм пул ютуғи
005505	1-200	5000 сўм пул ютуғи
005515	1-200	500 сўм пул ютуғи
005517	181	10000 сўм пул ютуғи
005542	069	10000 сўм пул ютуғи
005565	1-200	250 сўм пул ютуғи
005568	1-200	250 сўм пул ютуғи
005569	039*)	50000 сўм пул ютуғи
005570	057*)	50000 сўм пул ютуғи
005588	143	100000 сўм пул ютуғи
005604	021*)	50000 сўм пул ютуғи
005640	173	400 сўм пул ютуғи
005677	1-200	500 сўм пул ютуғи
005678	1-200	1000 сўм пул ютуғи
005691	1-200	5000 сўм пул ютуғи
005711	160*)	50000 сўм пул ютуғи
005718	059	100000 сўм пул ютуғи
005720	1-200	250 сўм пул ютуғи
005722	1-200	500 сўм пул ютуғи
005752	005*)	1000000 сўм пул ютуғи
005754	112	100000 сўм пул ютуғи
005755	165*)	250000 сўм пул ютуғи
005768	1-200	250 сўм пул ютуғи
005773	087	Нексия автомашинаси
005785	026*)	50000 сўм пул ютуғи
005790	108	10000 сўм пул ютуғи
005791	099	10000 сўм пул ютуғи
005863	1-200	500 сўм пул ютуғи
005886	025	400 сўм пул ютуғи
005942	1-200	250 сўм пул ютуғи
005982	1-200	500 сўм пул ютуғи
005993	042	400 сўм пул ютуғи
005996	1-200	500 сўм пул ютуғи
006013	1-200	1000 сўм пул ютуғи
006019	1-200	1000 сўм пул ютуғи
006034	054	100000 сўм пул ютуғи
006039	1-200	500 сўм пул ютуғи
006062	1-200	500 сўм пул ютуғи
006072	1-200	1000 сўм пул ютуғи
006126	126*)	50000 сўм пул ютуғи
006130	1-200	250 сўм пул ютуғи
006142	004*)	50000 сўм пул ютуғи
006178	073	10000 сўм пул ютуғи
006186	154	100000 сўм пул ютуғи
006191	012	100000 сўм пул ютуғи
006195	110*)	50000 сўм пул ютуғи
006203	182	10000 сўм пул ютуғи
006223	129	100000 сўм пул ютуғи
006228	1-200	250 сўм пул ютуғи
006230	1-200	250 сўм пул ютуғи
006236	1-200	500 сўм пул ютуғи
006244	138	10000 сўм пул ютуғи
006245	064	100000 сўм пул ютуғи
006249	1-200	500 сўм пул ютуғи
006253	1-200	250 сўм пул ютуғи
006267	021*)	50000 сўм пул ютуғи
006277	1-200	250 сўм пул ютуғи
006281	1-200	1000 сўм пул ютуғи
006295	084*)	250000 сўм пул ютуғи
006297	1-200	5000 сўм пул ютуғи
006323	1-200	1000 сўм пул ютуғи
006324	012*)	250000 сўм пул ютуғи
006329	066*)	50000 сўм пул ютуғи
006344	1-200	500 сўм пул ютуғи
006345	1-200	1000 сўм пул ютуғи
006352	1-200	1000 сўм пул ютуғи
006373	1-200	1000 сўм пул ютуғи
006404	057*)	50000 сўм пул ютуғи
006409	001	Дамас автомашинаси
006417	1-200	250 сўм пул ютуғи
006429	046*)	50000 сўм пул ютуғи
006433	1-200	1000 сўм пул ютуғи
006436	1-200	250 сўм пул ютуғи
006442	066	10000 сўм пул ютуғи
006450	198*)	50000 сўм пул ютуғи
006452	001*)	50000 сўм пул ютуғи
006461	050	50000 сўм пул ютуғи
006466	1-200	5000 сўм пул ютуғи
006471	1-200	500 сўм пул ютуғи
006484	068*)	50000 сўм пул ютуғи
006488	1-200	500 сўм пул ютуғи
006499	1-200	250 сўм пул ютуғи
006505	080*)	50000 сўм пул ютуғи
006507	047	10000 сўм пул ютуғи
006512	161*)	50000 сўм пул ютуғи
006513	010*)	50000 сўм пул ютуғи
006530	1-200	1000 сўм пул ютуғи
006555	1-200	250 сўм пул ютуғи
006556	1-200	5000 сўм пул ютуғи
006560	1-200	250 сўм пул ютуғи
006603	078	100000 сўм пул ютуғи
006610	1-200	500 сўм пул ютуғи
006617	073*)	50000 сўм пул ютуғи
006623	1-200	250 сўм пул ютуғи
006628	007*)	1000000 сўм пул ютуғи
006632	1-200	250 сўм пул ютуғи
006663	1-200	1000 сўм пул ютуғи
006671	150	10000 сўм пул ютуғи
006680	079	100000 сўм пул ютуғи
006689	1-200	1000 сўм пул ютуғи
006704	1-200	1000 сўм пул ютуғи
006705	115*)	50000 сўм пул ютуғи
006706	016*)	50000 сўм пул ютуғи
006733	1-200	500 сўм пул ютуғи
006748	1-200	500 сўм пул ютуғи
006768	176	100000 сўм пул ютуғи
006772	108	10000 сўм пул ютуғи
006781	086	400 сўм пул ютуғи
006785	051	10000 сўм пул ютуғи
006797	1-200	250 сўм пул ютуғи
006814	1-200	500 сўм пул ютуғи
006831	1-200	5000 сўм пул ютуғи
006849	1-200	1000 сўм пул ютуғи
006850	1-200	500 сўм пул ютуғи
006854	1-200	1000 сўм пул ютуғи
006878	137	400 сўм пул ютуғи
006897	187	400 сўм пул ютуғи
006911	1-200	1000 сўм пул ютуғи
006915	1-200	500 сўм пул ютуғи
006919	193	10000 сўм пул ютуғи
006924	1-200	500 сўм пул ютуғи
006927	1-200	250 сўм пул ютуғи
006935	074*)	50000 сўм пул ютуғи
006978	128	100000 сўм пул ютуғи
006979	1-200	250 сўм пул ютуғи
006983	1-200	500 сўм пул ютуғи
006994	1-200	250 сўм пул ютуғи
006996	191	10000 сўм пул ютуғи
007000	1-200	1000 сўм пул ютуғи
007041	1-200	1000 сўм пул ютуғи
007051	1-200	1000 сўм пул ютуғи
007053	129	100000 сўм пул ютуғи
007054	187*)	250000 сўм пул ютуғи
007064	1-200	250 сўм пул ютуғи
007065	058*)	50000 сўм пул ютуғи
007070	159*)	50000 сўм пул ютуғи
007088	044*)	50000 сўм пул ютуғи
007091	161*)	50000 сўм пул ютуғи
007098	1-200	250 сўм пул ютуғи
007103	004*)	50000 сўм пул ютуғи
007115	1-200	500 сўм пул ютуғи
007117	1-200	250 сўм пул ютуғи
007131	1-200	1000 сўм пул ютуғи
007212	071	10000 сўм пул ютуғи
007218	1-200	500 сўм пул ютуғи
007229	130	100000 сўм пул ютуғи
007232	104*)	1000000 сўм пул ютуғи
007262	1-200	250 сўм пул ютуғи
007272	1-200	250 сўм пул ютуғи
007293	1-200	250 сўм пул ютуғи
007296	1-200	250 сўм пул ютуғи
007302	132	100000 сўм пул ютуғи
007311	1-200	500 сўм пул ютуғи
007347	099*)	50000 сўм пул ютуғи
007348	133	10000 сўм пул ютуғи
007357	1-200	500 сўм пул ютуғи
007361	115	400 сўм пул ютуғи
007375	1-200	1000 сўм пул ютуғи
007408	1-200	1000 сўм пул ютуғи
007421	186*)	50000 сўм пул ютуғи
007433	004	100000 сўм пул ютуғи
007448	1-200	250 сўм пул ютуғи
007461	1-200	500 сўм пул ютуғи
007467	178	100000 сўм пул ютуғи
007471	115	100000 сўм пул ютуғи
007500	1-200	250 сўм пул ютуғи
007501	1-200	500 сўм пул ютуғи
007516	111*)	50000 сўм пул ютуғи
007523	183*)	50000 сўм пул ютуғи
007528	1-200	1000 сўм пул ютуғи
007544	1-200	500 сўм пул ютуғи
007558	1-200	1000 сўм пул ютуғи
007584	085	10000 сўм пул ютуғи
007588	1-200	1000 сўм пул ютуғи
007589	1-200	500 сўм пул ютуғи
007602	058*)	50000 сўм пул ютуғи
007628	1-200	500 сўм пул ютуғи
007636	1-200	1000 сўм пул ютуғи
007642	1-200	500 сўм пул ютуғи
007667	1-200	250 сўм пул ютуғи
007682	095*)	50000 сўм пул ютуғи
007685	053*)	50000 сўм пул ютуғи
007749	1-200	250 сўм пул ютуғи
007750	135*)	50

SPORT

БОКС

РУФАТ РИСҚИЕВ СОВРИНИ УЧУН

26 сентябрь куни пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида ўсмирлар ўртасида бокс бўйича 1974 йилги жаҳон чемпионати ғолиби, Монреаль олимпиадаси кумуш медали соҳиби Руфат Рисқиев соврини учун анъанавий халқаро турнир бошланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ёш боксчилари билан бир қаторда Россия, Қозоғистон давлатлари вакиллари ҳам иштирок этишяпти.

Ўн уч вазн тоифасида ўтказилаётган мусобақада уч юз нафардан ортиқ ўсмирлар қатнашмоқда. Турнир ғолиблари 2 октябрда аниқланади.

ГАВАНАДА МАДҲИЯМИЗ ЯНГРАДИ

Куба пойтахти Гаванада бокс бўйича ёшлар ўртасида иккинчи жаҳон чемпионати якунланди. Унда қиқдан ортиқ давлатлар спортчилари билан бир қаторда юртимизнинг саккиз нафар ёш боксчиси ҳам рингга чиқдилар.

Иқтидорли ёшларимиздан бири Баҳодир Султонов 54 кг. вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. (Тақдир тақозосини қаранг, бундан 28 йил муқаддам айнан Гаванада Руфат Рисқиев жаҳон чемпиони бўлган эди).Улуғбек Бўрибоев(57 кг.) кумуш, Алишер Матниёзов(75 кг.) ҳамда Жасур Матчонов(91 кг.)лар эса бронза медаллари совриндори бўлишди.

Ўтган куни пойтахт аэропортида жаҳон чемпионати ғолиб ва совриндорлари катта тантаналар билан кутиб олинди.

14th Asian Games BUSAN 2002

ПАРКЕНТДАН ПУСАНГАЧА

Кеча Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида XIV Осиё ўйинлари бошланди. Эртага ўйинларнинг тантанали очилиш маросими бўлади ва Паркентда ёндирилган оловдан ўйинлар машъаласи аланга олади

Спорт гимнастикачилари бош мураббий Светлана Кузнецова (чапдан учинчи) билан.

Мамлакатимиз спорт делегациясининг Пусанга жўнаб кетиши олдидан ўтказилган матбуот конференциясида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти Собиржон Рўзиев бундай деди:

— Осиё ўйинлари юртимиз спортчилари учун алоҳида аҳамият касб этади. Бу мусобақа 2004 йилда Афинада ўтадиган навбатдаги ёзги олимпиада олдидан муҳим тайёргарлик вазифасини ўтайди. Шу боис, қитъа ўйинлари дастуридан жой олган 38 турнинг 23 таси бўйича энг сара, кучли йигит-қизларни терма жамоаларга жалб этдик. Спортчиларимизнинг баҳсларда эришган натижалари нафақат уларнинг имкониятларини, балки мустақил республикамизда спортни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ишлар самарасини белгилаб беради. Яна бир аҳамиятли жиҳати, XIV Осиё ўйинларининг очилиш маросимида ёқиладиган машъала олови она-диёримизнинг баҳаво ва гўзал Паркент туманида жойлашган «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш институтида табиий офтоб нурларидан ёндирилган. Бу эса мезбонлар ва бошқа қатнашчиларнинг диққат марказида турадиган мамлакатимиз спортчилари зиммасига катта масъулият юклайди, янги зафарларга ундайди.

Тошкент аэропортида спортчиларимизни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Махситов, Республика Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси А.Гадойбоев, таниқли санъаткорлар Фаррух Зокиров, Ёдгор Саъдиев ва бошқалар спортчиларимизга омадлар тилашди.

Биз эса юзларида ҳаяжон ва қувонч акс этиб турган юртимиз спортчилари ва уларнинг мураббийлари билан суҳбатлашдик.

Абдулла ТАНГРИЕВ, дзюдочи, Сидней олимпиадаси қатнашчиси:

— Осиё ўйинларида илк бор иштирок этишим. Ўтган йиллар мобайнида тўплаган маҳорат ва тажрибамни ишга соламан. Фақат олтин медаль учун курашаман.

Равшан ҲАЙДАРОВ, футбол бўйича мамлакат терма жамоаси бош мураббийи:

— Жамоамизнинг асосий ўйинчилари «Пахтакор» сафида Осиё чемпионлар лигасида тўп сураётганлиги таркиб масаласида бироз муаммо туғдирди. Шу боис, Осиё ўйинларида чемпионатимиздаги бошқа клубларда ўйнаётган иқтидорли, ёш футболчиларга суянишни маъқул кўрдик. Пусанга асосан олимпия терма жамоаси аъзолари билан кетяпмиз. Баҳсларда чиройли ва муносиб ўйин намойиш этишга ҳаракат қиламиз. Муҳими, футболчиларимиз келаси йили бошланадиган навбатдаги олимпия ўйинлари саралаш мусобақалари олдидан ўзига хос синовдан ўтишади.

Таниқли боксчимиз Ўткирбек Ҳайдаров

Дилшод ОРИПОВ, юнон-рум курашчиси, жаҳон чемпиони:

— Бу Осиё ўйинларида биринчи бўлиб юнон-рум курашчилари мусобақаларни якунлашади. Энг катта масъулият бизнинг зиммамизда бўлади. Чунки, бошланиши омадли бўлса, охири ҳам шундай кечади. Шу боис, совринли ўринни қўлга киритиш учун ҳаракат қиламан.

Ҳа, спортчиларимиз Пусанга шундай кўтаринки кайфиятда йўл олишди. Биз эса уларга оқ йўл ва зафарлар тилаймиз.

Ўзбекистон боксчилар терма жамоасининг бир гурух аъзолари ўз мураббийлари билан

* * *

Кеча биринчи бўлиб футболчилар XIV Осиё ўйинларини бошлаб беришди. Дастлабки куни «А» гуруҳида Жанубий Корея — Малдив оролари, Уммон — Малайзия, «В» гуруҳида БАА — Вьетнам, Яман — Таиланд, «С» гуруҳида Туркманистон — Хитой, Ҳиндистон — Бангладеш терма жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Бугун эса «D», «E», «F» гуруҳларида ўйинлар ўтказилади. Унда Ўзбекистон — Баҳрайн, Фаластин — Япония («D» гуруҳи), Афғонистон — Эрон, Қатар — Ливан («E»), Сяньган — КХДР, Қувайт — Покистон («F») мамлакатлари терма жамоалари майдонга чиқишади.

■ **Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Замон ўзгарди. Бугун ифтихор билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда хусусий мулкчиликка катта эътибор қаратилаяпти. Бу эса олиб борилаётган сиёсатимизнинг асл мақсади эл-юртимизда ривожланган давлатлардагидек тўкинликни, фаровонликни таъмин этишдан иборатлигига далолатдир. Чунки мулкга қаерда «меники» деб қаралса, ўша ерда қут-барака, мўл-кўлчилик бўлишини, мулкнинг илдизи эса теранлашишини чуқур англаб етдик.

ХУСУСИЙ МУЛК ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

ИМКОНИЯТ ИЗЛАГАН, ОҚИЛОНА ИШ ЮРИТГАН, ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЖАМОА ҲАР ҚАНДАЙ ШАРОИТДА ҲАМ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШАВЕРАДИ. БУНИ «ТУРОН ЛТД» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ МИСОЛИДА КЎРИШ МУМКИН

РАҒБАТ МАНФААТ ҚАЛИТИ

Яқинда Андижонда хизмат сафарида бўлганимизда «Турон ЛТД» фаолияти билан танишдик. Хусусий фирма «Асакапарранда»ни мол-мулки билан, «Ниёзботирпарранда»нинг эса 70 фоиз акциясини сотиб олибди. Бу хабар даставвал кимларнингдир наздида миш-мишдек туюлди. Кимлардир банкрот бўлаёзган корхонани оёққа турғизишга аҳд қилибдики, отасига балли, шу азаматларнинг деб, хурсанд бўлди.

Мулк муклдорлар қўлига ўтгандан сўнг ишда ижобий силжиш юз берди. Ўтаётган йилимизнинг 6 ойлик, 9 ойлик натижаларида муваффақият учқунлари бўй кўрсатди. Масалан, «Асакапарранда», сотиб олинганида 25 минг парранда мавжуд бўлган бўлса, ҳозир 200 минг парранда парваришланмоқда. Ишлаб чиқаришда 100 киши ишлаган бўлса, ҳозир 230 киши — йил охирига бориб 400 нафар кишига етказиш режалаштирилган. Шу тариқа хусусий мулкка айланган фабрика унинг шундоқ ёнида жойлашган Меҳнатобод қўрғони аҳолиси эътиборига тушди. Аввалари ушбу жамоани тарк этган мазкур қишлоқ кишилари ўз жамоасига қайтишга, эски ишларининг бошини тутиш ҳаракатига тушиб қолишди.

Зеро, бу ерда ишлашаётганлар айни кезда ойига 50 минг сўмгача маош олишмоқда. Бу эса ишлайман, фаровон ҳаёт кечираман деган оиласи тўкинлигини ўйлаган ҳар бир кишини ўзига ром этади. Энг муҳими, одамлар бу ерда — хусусийлашган мулкда ўз қадр-қимматларини топмоқдалар.

МАРД МАЙДОНДА СИНАЛАР

Мамлакатимизда юрт бойлигига бойлик қўшиш мақсадида саъй-ҳаракат қилаётган барча ишбилармонларга кенг йўл очилмоқда. Улар ҳукуматимиз томонидан астойдил қўллаб-қувватланаётганлигига, ҳимоя қилинаётганлигига бу ерда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Дарҳақиқат, шу йил бошида Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштириш йўналишлари тўғрисидаги йиғилишида «Хусусий тармоқни ривожлантиришнинг истиқболлари ҳақида гапирганда, биз, энг аввало, кичик ва ўрта корхоналарни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўзда тутаётганлигимизга алоҳида эътибор қаратмоқчиман», деган эдилар. Бу гаплар замирида тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш, уларга эл-юрт манфаати йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларига кўмаклашиш ётибди.

— Президентимизнинг «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Ҳар ким бу Ватан менга нима берди, деб эмас, балки менинг ўзим шу азиз Ватанга нима бердим, деб ёниб яшаш керак», «Мард бўлсанг майдонга чиқ» каби юртимиз равнақини ўйлаб айтган гаплари кеча-ю кундуз хаёлимга тинчлик бермай юрарди, — дейди «Турон ЛТД» таъсисчи Алишер Ғафуров. — Ана шундай шиорин хаёллар оғушида Асака туманидаги чўкиб қолган, зарар билан ишлаётган, ҳатто харобага айланаёзган «Асака парранда»ни кўчмас мулк биржаси орқали 123 миллион сўмга сотиб олдик. Қўлга илашган нарсаси, мол-мулки ташиб кетилган фабриканинг, қисқа муддатда эшик-ромларигача ўрнатдик. Табиий газ ва ичимлик сув қувурларини тартибга келтирдик. Яроқсиз ҳолга келган технологияни янгиладик. 100 мингдан зиёд наслли жўжа сотиб олдик. Хуллас, шу каби ишларга яна қўшимча 476 миллион сўмлик инвестиция маблағларини киритдик.



Одамларни ишга қабул қила бошладик. Тўғри, дастлаб уларда ҳам бизга нисбатан ишончсизлик бор эди. Шижоат билан ишладик. Муҳими, уларда ишончсизликни йўқ қилдик. Бундан қишлоқнинг беш минг кишилик аҳолиси қувончини айтмайсизми?! Чунки бу ерда табиий газ ва ичимлик суви муаммоси вужудга кела бошлаган экан. Биз уни бартараф этдик. Ичимлик сув харажатлари тўлови фабрика ҳисобидан қопланди. Шунингдек, қишлоқдаги 48-мактабни ҳомийликка олдик. Мактабда Амир Темур номли 30 та стипендия жорий этдик.

Аммо ҳали ҳал бўлмаётган муаммоларимиз ҳам бор. Чунки мен шахсан Президентимизнинг даъватлари билан элим деб, юртим деб, ота-боболарим армонларини ушатиш мақсадида, ўзимдан яхши ном, яхши хотира ва фарзандларимга мулк қолдириш истагида майдонга чиққанман. Шу боис режаларим, қилмоқчи бўлган ишларим талайгина.

Мана, масалан Президентимиз қишлоқда иш ўринларини яратиш, янги иш ўринларини очиш борасида ҳукумат йиғилишларда қайғуриб гапирмоқдалар. Бу ҳақда шу йил бўлиб ўтган Халқ депутатлари Сурхондарё ва Навоий вилоятлари кенгашлари сессияларида ҳам сўз борди. Бу жуда тўғри ва ўринли даъват. Сабаби қишлоқларимизда ҳали ҳам ишсизлар бор. Мен янги иш ўринларини қишлоқларда ташкил этаяпман. Ҳокимликка чиқиб шу масалани ўртага қўйдим. 600 миллион сўмлик шахсий маблағимга харобага айланаёзган паррандачилик фабрикасини тиклаб, ишга туширдим. Бориб кўринглар, маъқул келса, туманадаги ташкилот ва корхоналарнинг тухум ва товуқ гўштига бўлган талабини қондиришни зиммамга олай. Емдан ёрдам беринглар, дедим. Ваъда қилишди. Аммо ҳеч ким келиб кўрмади. Бироқ, кўнглимизни чўктирмай ишимизни давом эттираяпмиз. Майли, одамлар билиб, кўриб, ҳис этиб туришибди-ку!?

БУГУННИНГ ЭРТАСИ БОР

— Биз «Донмаҳсулотлар»да тайёрланаётган емни олмай қўйдик, — дейди «Асакапарранда»нинг янги раҳбари Аваз-бек Ўринбоев. — Чунки бу озуқаларда тўйимлилик даражаси жуда паст. Аввалари ҳар минг товуққа кунига 180 кг. ем берилиб режадагидан паст маҳсулот олинган бўлса, эндиликда ўзимиз тайёрлаган озуқа бирлигидан ўшанча миқдордаги товуққа 120 кг бериб, мўлжалдагидан ошириб тухум олаяпмиз.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, бугун ҳар минг товуқдан олти ойлик натижалар бўйича 99000 дона тухум олинди. Бу аввалари ҳар бир дона тухум ишлаб чиқариш харажатига сарфланаётган 57 сўм маблағдан 45 сўму 19 тийинга тушишига эришганлигини кўрсатди.

— Бу таннарх ҳали ҳам баланд, — дейди мулк раҳбари Алишер Ғафуров. — Таннархни янада туширсак, бир нави бўлади. Биз шу йўлда изланишни давом эттирмоқдамиз. Албатта, бу йўлда суньий ғовларга дуч келамиз. Мулкдор бўлишликни бўйинга олдикми, учраётган ғовлардан мардона ошиб ўтишга тўғри келади. Албатта, ўзининг гўё дўстлигини исботламоқчи бўлиб баъзи танишларим, э сенга нима, қорнинг тўқ, пулинг бор, уй-жойинг бут тинчгина юраверсанг-чи, дейиши мумкин. Бундай дўстларга жавобим тайёр: мен ёнмасам, сен ёнмасанг бу юрт равнақи учун ким ёнади!?

Бугун ҳеч нарсадан нолимай, тўқ яшаяпмиз. Эрта-чи, эртамиз учун курашишга бел боғлаш учун ҳам рақобат керак. Ахир бир бурда нонга Алишер Ғафуровнинг ҳам, у каби мулкдорларнинг ҳам қорни тўяди. Лекин, гап, фақат қорин тўйдиришда эмас-да. Эл-юрт манфаати, бугуни ва эртаси бор.

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Бозор муносабатларига ўтишнинг илк палласида паррандачилик соҳасида аҳвол мураккаблашиб, пала-партишлик вужудга келганди. Айрим хўжаликлар шартнома режаларини уддалаш, йилни фойда билан якунлаш у ёқда турсин, ёпилиш арафасига келиб қолди. Бунга соҳа мутахассислари иқтисодий қийинчиликларни, таъминот масалаларидаги узилишларни сабаб қилиб кўрсатишди. Мазкур «Асакапарранда»да ҳам ана шундай важ-карсонлар бўлди. Одамлар маошсиз, ишсиз қолишди. Ундан маҳсулот олиб турган ташкилотлар таъминотида узилишлар юз берди. Уларда ҳам ўз навбатида ўзига хос «инқироз» юз берди. Жамият атрофидаги корхона ва ташкилотлар билан занжирдек боғланганлигини масъул раҳбарлар унутиб қўйишганди.

Тадбиркор Алишер Ғафуров жамоани мўмай даромадли фабрикага айлантириш ниятида. Эл дастурхонига пархез маҳсулотлар етказишни кўпайтириш устида бош қотирмоқда. Режалар эса мўл . Уларни амалга ошириш тинимсиз меҳнат, сабот билан ишга ёндошишни талаб этади. Ахир паррандачиликда маҳсулот етиштиришнинг 80 фоизи озуқага боғлиқ эканлигини яхши билган жамоа аъзолари, аввало, шу ернинг ўзида озуқаларни қайта ишлаш ва уни зарур моддалар билан бойитишга алоҳида эътибор беришмоқда.

— Ҳисоб-китоб ишларини марказлаштиришимиз ишимизда яна кескин бурилиш ясайди, — дейди корхона бош ҳисобчиси Озодбек Акбаров. — Ана шунда, биринчидан, бошқарув осонлашади. Иккинчидан, ишлаб чиқариш тармоқлари компьютерлашади. Барча маълумотлар компьютерга солингач, ишимиз енгиллашади.

Келажакда ривожланган дунё иш тутимини олиб кириш бўйича ишлар олиб бораяпмиз. Шу боисдан бир йигитимиз Швейцарияда тахсил олмоқда. Ахир, мукаммалашган ҳисоб-китоб орқали кўп нарсага эришиш мумкин.

Жамоанинг фидокорона меҳнати имкониятлардан оқилона фойдаланиш, изланиш самарасини бермоқда. Қўлга киритилган ютуқлар чакки эмас. Келгусида улар янада кўпаяди. Корхона тўла қувватда фаолият кўрсатиши учун 0,5 миллиард сўм айланма маблағ зарур. Албатта, биз ушбу муаммоларни собитқадамлик билан ҳал қилаяпмиз.

Имконият излаган, оқилона иш юритган, фидокорона меҳнат қилган жамоа ҳар қандай шароитда ҳам муваффақиятга эришаверади. Агар ана шундай суръатда иш олиб борилса, ишончимиз комилки, кўрсаткичлар янада яхшиланиб, хусусий мулкнинг мавқеи бундан-да ошади.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Суратда: «Турон-ЛТД» хусусий корхонаси таъсисчиси (чапдан) Алишер Ғафуров, бош ҳисобчи Озодбек Акбаров ва мутахассислар ўзаро келгуси режалар хусусида маслаҳатлашмоқдалар.

ЕТАКЧИ КОАЛИЦИЯ ҒАЛАБАСИ



Расмий натижаларга кўра, Германия Социал-демократик партияси ва «яшиллар» партияси коалицияси парламент сайловларида 47,1 фоиз овоз олишга муваффақ бўлган. Бу эса уларга парламентдаги кўпчилик ўринни қўлга киритишни таъминлади. Ҳукмрон коалициянинг асосий рақиблари — Христиан-демократик иттифоқ ва Христиан-социалистик иттифоқ биргаликда 45,9 фоиз овоз олган. Герхард Шрёдер ва Германия ташқи ишлар вазири Йошка Фишер ўз тарафдорларига қўллаб-қувватлаганликлари учун миннатдорлик билдиришди.

ЯНА БИР ПАРТИЯ

Москвада янги сиёсий партия «Национальная державная партия России» — НДПР рўйхатга олинди. Россия Федерацияси Адлия вазирлигининг жамоатчилик ва диний бирлашмалар ишлари бўйича департаменти рўйхатига бу ҳақда тегишли ёзув киритилди. Партия сиёсий-ҳуқуқий қўмитасининг раиси Игорь Денисовнинг баёнотига кўра, НДПРнинг асосий мақсади — «Россияни буюк жаҳон давлати сифатида тиклаш» ҳисобланади. Унинг фикрича, миллатчилик ва фашизм сингари тушунчаларни бир-биридан ажратиш зарур.

САМОЛЁТДАГИ ПЛАСТИК ПОРТЛОВЧИ МОДДА

Француз полициячилари Марокаш «Royal Air Maroc» авиакомпаниясининг «Боинг-737» самолётидан оз миқдордаги пластик портловчи моддани топишди. 100 граммга яқин портловчи модда юпқа алюминий қоғозга ўралган бўлиб, ҳаво кемасидаги икки ўриндиқ орасига яширилган экан. Самолёт Марокашдан Франция шарқидаги Мец-Нанси аэропортига учиб келган. Полициячилар детонаторни топишмаган.

ТЕРРОРЧИЛИК СОДИР ЭТИЛДИ

Ҳиндистоннинг Гандинагар шаҳрида жойлашган машҳур Сваминараян мажмуига террорчилар ҳужум уюштирди. «Стар нюз» телеканали берган хабарга кўра, қўпорувчилик ҳаракати натижасида 50 га яқин киши ҳалок бўлган ва 100 дан ортиқ одам жароҳат олган. Ҳиндистон бош вазирининг таъкидлашича, террорчиларни зарарсизлантириш бўйича амалга ошириладиган операцияга ички ишлар вазирининг шахсан ўзи бош бўлади.

«ФОРД»НИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

Париждаги автошоуда «Форд» компанияси ўзининг янги кашфиёти — фаол дам олишга мўлжалланган автомобилни намойиш этишни кўзламоқда. «Ford C-Max» номини олган янги автомобиль «Ford Focus» негизида яратилган. Ҳозирданоқ унинг «Opel Zafira» ёки «Renautt Scenic» сингари русумдаги автомобилларга жиддий рақобатчи бўлиши айтилмоқда.

КАРМАДОН ДАРАСИ

ЁКИ ТОҒЛИ САНИБА СУВ ОСТИДА ҚОЛАДИМИ?

Шимолий Осетиядаги тоғли Саниба қишлоғи жаҳон оммавий ахборот воситалари диққат марказида. Музлик ўтган Кармадон дарасининг чеккасидаги бу қишлоқ табиий офатдан зиён кўрмаган. Кўчки қишлоқ остонаси яқинида ҳолсизланиб тўхтаган. Лекин у қишлоқ аҳли бошига бошқа кулфатни солган. Геналдон дарёсида ҳосил бўлган улкан тўғон дарани бекитиб ташлаган. Ҳосил бўлган кўлдаги сув шиддат билан кўпаймоқда. Кўлнинг чуқурлиги 40 метрдан ошиб, қишлоқни ўз домига олай демоқда. Геодезчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, сув яна 30-40 метрларга кўтарилар экан. Музлик сув остида қолганидан кейингина жараён тўхташи мумкин дейишмоқда, улар. Наҳотки, тоғлик Санибани афсонавий Атлантида қисмати кутмоқда.

Шимолий Осетиядан олинаётган хабарларга кўра, тоғли Санибани сақлаб қолиш учун бутун чора-тадбирлар кўрилмоқда. Қутқарувчилар музлик тиқинини тешиб, сувга йўл очиш мақсадида портлашларни амалга оширишаётир. Қанча портлатишлар зарурлиги эса номаълум.

Қишлоқ аҳлининг ҳикоя қилишича, ўн йилча муқаддам музлик доимо назорат қилиб келинган. Унинг куч тўплашига асло йўл қўйилмаган. Дарвоқе, Кармадон дарасида 1902 ва 1969 йилларда музлик кўчкилари рўй берган. Лекин улар бу йилгидагидек даҳшатли бўлмаган. Ахир у 32 километрга сурилган. Музликнинг эриши учун 10-12 йил кетиши расман эълон қилинди.

Дарадаги фожиада домдараксиз йўқолганлар, жумладан, киноактёр Сергей Бодров гуруҳи ҳақида ҳозирча бирон-бир янгилик йўқ.

■ **Алишер РЎЗИЕВ тайёрлади**

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

ЖОРЖ БЕРКЛИ – ИНГЛИЗ ФАЙЛАСУФИ. 1685-1753 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

➲ Яшаш — идрок қилинмоқ демакдир.

➲ Савол: **Абадий ҳақиқатлар нима бўладилар?**

Жавоб: **Улар йўқоладилар.**

АЛЕКСАНДР ПОП – ИНГЛИЗ ШОИРИ. 1688-1744 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

➲ Ўзидан завқланаётган одамнинг кўзидан каттароқ қилиб кўрсатадиган микроскоп йўқ.

➲ Ҳар бир одамда ақл қанчалик етишмаса, унда худди шунча манманлик бор.

➲ Барча тентаклар кимнидир устидан кулмасдан туролмайдилар.

➲ Ҳар бир киши бошқа одамдан фарқ қилади ва кундан-кунга — ўзи ўзидан.

➲ Сўзлар япроқларга ўхшайдилар: жуда кўп барг чиқарадиган дарахт жуда кам мева беради.

➲ Ёлғон сўзлаётган киши ўз вазифасининг мушкуллиги ҳақида ўзига ҳисоб бермайди, негаки, биринчи ёлғонни сақлаб қолиш учун унга яна йигирма маротаба ёлғон гапириш керак бўлади.

➲ Бир умр бизга ҳамроҳлик қилган умид ўлим чоғида ҳам бизни тарк этмайди.

➲ Ярамас одамга юмшоқ ва майин сўз билан таъсир ўтказишга интилиш, бу — тош палахсасини устара билан тарашлашга уринишнинг ўзгинасидир.

➲ Кўплаб одамлар эшитиш учун эмас, балки, гапириш мақсадида давра излайдилар.

➲ Сукут тентакларнинг усти ялтироқлиги ва дононинг устомонлигидир.

➲ Энг жиддий одамлар кўпроқ ишонувчандирлар.

➲ Адашмоқ — инсоний хусусият, кечирмоқ — илоҳий.

➲ Қарашларимиз соатларимизга ўхшайди: улар ҳар хил вақтни кўрсатадилар, бироқ, ҳар ким фақат ўзиникига ишонади.

➲ Партиявийлик, бу — кўпчиликнинг озчилик манфаати йўлида ақлдан озишидир.

➲ Халойиқ – аҳмоқ.

ШАРЛЬ МОНТЕСКЬЕ – ФРАНЦУЗ ФАЙЛАСУФИ. 1689-1755 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

➲ Одамларни жуда кўп нарсалар бошқарадилар — иқлим, дин, қонунлар, бошқарув тамойиллари, ўтмиш ибрати, феъл-атворлар, урф-одатлар; буларнинг ҳаммасининг натижаси сифатида халқнинг умумий руҳи юзага келади.

➲ Дунёни тақдир бошқармайди. Ишлари аниқ режа билан бошқарилганида бешикаст якунланган, аммо, бошқача тарзда ҳаракат қила бошлаганларида тўхтовсиз мағлубиятга учрайверган римликлар бунга мисол бўла оладилар.

➲ Одамлар бундан фойда чиқарганликлари ва ўз эсон-омончиликларини бошқаларнинг эсон-омончиликларидан афзал кўрганликлари учун адолатсизлик қиладилар.

➲ Ҳокимият соҳибларининг сони қанча кам бўлса, уларнинг қудрати шунча катта ва хавфсизлиги шунча оздир.

➲ Мустабид давлатда ҳар бир золим ҳукмдор, айни пайтда, қул ҳамдир.

➲ Дарёлар денгизга қуйилишга интиладилар; ҳокими мутлақлик мустабидчиликда сингиб кетишга интилади.

➲ Инсон табиати мустабид бошқарувга қарши доимо бош кўтаради.

➲ Айни қонунлар ёрдамида шундай қилмоқ керакки, токи бойлик ҳам, камбағаллик каби, оғир бўлсин.

➲ Ҳокимият миқёсининг бепоёнлиги — мустабидчилик бошқарувининг замини.

➲ Республика, ўз табиатига кўра, катта бўлмаган ҳудудни талаб қилади, акс ҳолда, у йиқилади.

➲ Республика учун *фазилат*, ҳокими мутлақлик учун эса — *ор-номус* керак бўлганидай, мустабид ҳукумат учун *қўрқув* лозим. Фазилатларга у муҳтож эмас, ор-номус унга хавфли бўлган бўлур эди.

➲ Сиёсий эркинлик мутлақо нимани хоҳласа, шуни қилишда эмас. Давлатда, яъни қонунлар мавжуд жамиятда, эркинлик хоҳланган нарсани қила олишнинг имкониятига эга бўлишда ва хоҳламаган нарсани қилишга мажбур этилмаслигидагинадир.

➲ Ҳар бир давлатда уч турдаги ҳокимият мавжуд: қонунчилик ҳокимияти, ижроия ҳокимияти ва суд ҳокимияти.

➲ Асрлар тажрибасидан маълумки, ҳокимиятга эга ҳар қандай одам уни суиистеъмол қилишга мойил, ва мазкур йўналишда у охирги нуқтага етмагунча кетаверади.

➲ Ҳар қандай катталик, ҳар қандай куч, ҳар қандай ҳокимият нисбийдир.

➲ Ҳатто, керагидан ортиқча ақл ҳам ҳамиша мақбул эмас ва одамлар доимо ҳаддан ташқариликка қараганда, мўътадилликка яхшироқ мослашадилар.

➲ Диннинг кучи, асосан, унга бўлган эътиқоднинг, инсоний қонунларнинг кучи эса — улар олдидаги қўрқув устига қурилган.

➲ Луизиана ёввойилари дарахтлардан мева узмоқчи бўлганларида, улар дарахтни тагидан кесадилар ва меваларни юладилар. Мустабид ҳукмронлик шунақа.

➲ Бургундия қироли Гундобад жиноят содир этган ўғрининг бу ҳақда хабар бермаган хотини ёки ўғлини қулликда ишлатилишига қарор қилди. Мазкур қонун моҳиятан зиддиддир. Хотин эрининг айбловчиси бўлиши мумкинми? Ўғил отанинг айбловчисига айланиши мумкинми? Битта жиноий ҳаракатни жазолаш учун у бошқасини, янада жиноийроғини буюрди.

➲ Тинчликда яшамоқ лозим — инсоннинг дастлабки табиий қонуни шундай.

➲ Фарзандларга ватанга муҳаббатни сингдиришнинг энг яхши воситаси шундаки, ушбу муҳаббат оталарнинг ўзларида бўлмоғи лозим.

➲ Қонунларнинг шафқатсизлиги уларга риоя қилинишига тўсқинлик қилади.

➲ Биттагина одамни бахтиёр қилиш учун қанча нарсалар керак!

➲ Менинг касалим шундаки, мен китоблар ёзаман, ёзиб эса — улардан хижолат чекаман.

➲ Аёлга умрбод муҳаббат ҳақида қасам ичиш, доимо соғсаломат ёки ҳамиша бахтиёр бўламан дейишдек, бемаъниликдир.

➲ Албатта, пулсизлик ниҳоятда ҳориқтирадиган нарса, бироқ, биз ўзимизни нимададир чекламоғимиз лозим-ку.

➲Ҳамма, ҳатто, ватанга дахлдор нарсаларда ҳам ҳақгўй бўлиш керак. Ҳар бир фуқаро ватан учун жон фидо қилишга бурчли, аммо, ҳеч қачон ватанни деб ёлғон гапиришга уни мажбурлаш мумкин эмас.

➲ Бир кишига нисбатан йўл қўйилган адолатсизлик ҳамма учун таҳдиддир.

➲ Ҳеч бўлмаса андаккина билиш учун, кўп ўқимоқ керак.

➲ Табиат инсоний бемаъниликларнинг ўткинчи бўлишининг ғамини доноларча еб қўйган, китоблар эса уларни абадийлаштирадилар.

➲ Нотиқлар етишмаган чуқурликни узунлик билан тўлдирадилар.

➲ Баъзан, сукут ҳар қандай сўзлардан ҳам ифодалироқ бўлади.

➲ Қонунлар барча учун бир хил маъно касб этмоқлари лозим.

➲ Инсон ўзгармас қонунлар билан бошқарилади; ақл ато қилинган мавжудот сифатида у Худо жорий этган қонунларни доимо бузади, ва ўзи жорий қилганларини ўзгартиради.

➲ Ҳар қандай тартибсизликнинг сабаблари мағзини чақинг ва сиз кўрасизки, у жазонинг бўшлигидан эмас, балки, жиноятларнинг бежазолигидан келиб чиқаётир.

➲ Эркинлик қонунлар ижозат берган ҳамма нарсани қилиш ҳуқуқидир. Агар фуқаро ушбу қонунлар тақиқлаган нарсаларни қила олганида эди, унда унинг эркинлиги бўлмаган бўларди, чунки, худди шунинг ўзини бошқа фуқаролар ҳам қилган бўлардилар.

➲ Фуқаро учун сиёсий эркинлик — ўзининг хавфсиз эканлигига бўлган ишончга асосланган, руҳий осойишталикдир.

➲ Энг бешафқат золимона ҳукмронлик, бу — қонуний-лик паноҳида ва адолат байроғи остида юз берадигани.

➲ Демократия тамойили нафақат тенглик руҳи йўқотилганида, у, шунингдек, жуда ошириб юборилиб, ҳар бир киши унинг ўзи сайлаган ҳукмдор билан тенг бўлишни хоҳлаганида ҳам бузилади.

➲ Улкан ишларни уддалаш учун буюк даҳо бўлиш керак эмас; одамлардан юқори эмас, улар билан бирга бўлмоқ лозим.

➲ Аёл учун гўзал бўлишнинг фақат биттагина, мафтункор бўлишнинг эса юз мингта имконияти мавжуд.

➲ Инсоннинг ҳали жуда ёшлиги ва ҳаддан ташқари кексалиги ўртасидаги вақт қанчалик оз.

➲ Бефойда қонунлар зарур қонунларни заифлаштирадилар.

➲ Солиқлар ишида халқнинг нимани бера олиши эмас, балки, унинг нимани ҳамиша бера олиши эътиборга олинмоғи лозим.

➲ Молиячилар давлатни, худди арқон дорга осилган кишинидек, кўтариб турадилар.

➲ Кейинчалик яхши қул бўлиш учун бошидан ёмон фуқаро бўлиш лозим.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

*** Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.**

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

МАЪНАВИЙ ЮКСАКЛИК САРИ

Ўз мухлисларининг эътибор ва муҳаббатини қозониб улгурган «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналининг учинчи сони нашрдан чиқди.

Журналнинг ички муқовасидан Президент Ислом Каримовнинг «Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» халқаро илмий-назарий анжумани иштирокчиларига йўллаган мурожаати ўрин олган.

Бош муҳаррир Зоҳидулло Мунавваровнинг мақоласида инсонпарвар ва маърифатпарвар исломни ҳимоя қилиш зарурати, бунёдкор ислом ҳимояга муҳтожлиги тўғрисида сўз юритилади.

«Абадий барҳаёт Китоб» рукнидаги Абдуллажон Расуловнинг «Усмон мусҳафи Тошкентга қачон қайтарилган?» номли мақоласида қадим замонлардан буён тадқиқотчилар эътиборини тортиб келаётган Усмон мусҳафига бағишлаб кўплаб илмий мақолалар, китоблар нашр этилганига қарамай, унинг ўрганилмаган қирралари мавжудлиги тўғрисида тўхталиб, унинг Уфадан Туркистонга қачон ва қай шароитда олиб келинганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади.

«Муҳаддислар султони» рукнидан журналнинг аввалги сонларида нашр этилган ҳиндистонлик олим аш-Шайх Абдусаллом ал-Муборакфурийнинг «Сийрат ал Имом ал-Бухорий» («Имом ал-Бухорий сийрати») номли китоби таржимасининг давоми ўрин олган.

Абдулҳаким Жузжонийнинг «Абу Ҳанифнинг иқтидорли шогирди» мақоласида эса ҳанифий фиқҳ тараққиётига беназир ҳисса қўшган аллома Муҳаммад Аш-Шайбонийнинг ҳаёти ва илмий мероси таҳлил этилган.

Анвар Ҳожиаҳмедовнинг «Таббарук ҳадисларнинг бадиий нафосати» мақоласида мусулмон оламини асрлар оша мафтун этиб келаётган ҳазрат Пайғамбаримиз ҳадисларининг мазмун-моҳияти, ифода усуллари, бадиий жиҳатлари таҳлил қилинган.

«Бизнинг анкета» рукнида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан таҳририят нуроний ва фахрийларга бир неча саволлар билан мурожаат қилади. Журналнинг бу галги меҳмони — Ўзбекистон халқ шоири Пўлат Мўмин.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Фарғона водийсига қилган сафарига доир баъзи тарихий воқеалар Сайфиддин Жалиловнинг «Ватанимиз тарихини ўрганамиз» рукни остида берилган «Соҳибқиронинг Фарғонага ташрифи» мақоласида батафсил ёритилган.

Хуллас, «Имом ал-Бухорий сабоқлари»нинг мазкур сонида маърифий, адабий мавзуларга кенг ўрин берилганки, журнал ўқувчилари ислом олами, шарқ фалсафаси, халқимизнинг тарих саҳнасида тутган ўрни, бугунги маънавияти ҳақида етарлича маълумотга эга бўладилар.

■ **Мафтуна МИНГБОЕВА**

БИР ХУШБЎЙ, МУАТТАР, ҲАМ ИСТАРАЛИ

ШЕЪР ВА ШУУР

Мен сенинг олдингда кичкина одам,
Биламан мен сенга сира ёқмадим.
Сенга етолмас, чопса бахтим ҳам,
Сени қаратолмас, кулса омадим.
Ёки изҳор қилсам муҳаббатимни
Энг катта қудратим қулайди абгор.
Сенга кўз тиктирган эзгу дардимни
Хасча олмаслигинг бўлади ошкор.
Лекин ҳали ҳаёт этмоқда давом,
Бир куни мен сенга етмоқлигим шарт.
Сен учун ўнглайман ўзимни тамом,
Сен учун бўламан ўн баробар мард.
Қалбингга бир қатра нур солмоқ учун,
Кулларим ҳам ёнгай қайта ва қайта.
Мен юзта бўламан юксалмоқ учун,
Куйларим тугамай юзта ҳам найда.
Ҳар кун минг бор бўғар чорасизлигим.
Ҳар кун мингта чора ўйлаб топаман.
Сен кетар йўлларни қоракўзлигим,
Ҳар кун мингтасини минг бор ёпаман.
Сени севмоқликнинг ўзи катта бахт.
Сени улуғлашдан толмайди юрак.
Сенга етмоқлигим бўлиб қолса нақд,
Эртак бошланар, ва мен ўлсам керак.

*****

Бир хушбўй, муаттар, ҳам истарали
Ҳам гулрўй, мунаввар, чироқ сингари
О, қалб, хаётимнинг эй фариштаси
Сўлдингми, ярқираб, ёнмас ҳисларинг
Сўлмагин! Юракда ишқ мўмиёсин,
Ҳофиз кўнгилларга тўлдириб сунгин.
Келтиргин фалакдан аршнинг зиёсин,
Ҳисларда жаннатий озодлик унсин.
О қалб! Ҳаётимнинг эй фариштаси
Оллоҳ нури билан мангусан, ўлмас.
Ҳаётнинг шу қадар буюк ишваси
Мингта шоир бўлиб, севмасдан бўлмас.
Ҳаёт минг бор гўзал мен кўрганимдан
Мен қадр қилгандан минг бор қадрдон.
Меҳр ялов бўлган қудратим билан
Қалб, минг бор ўтлироқ, фидойироқ ён!

*****

Хонада ёнади хира шамчироқ,
Куй бўлиб учади лабингдан байтлар.
Сен мениг шеъримни ўқийсан бироқ,
Ғамгин юрагимга солмайсан назар.
Оламни пойингга тураман ташлаб,
Маликасан, бошим узра юрганда.
Ахир, менинг ишқим бир хасчалик гап,
Сени, бутун бир халқ, севиб турганда.
Майли сен кўкдаги юлдуз бўл, эркам.
Юлдузлар ҳаёти бешавқат, қаттол.
Бир нафас самимий қараб қўйиш ҳам,
Инсоний севги ҳам келади малол.
Ҳеч кимни ўзингга яқин олмайсан,
Ўзгалар дардини куйлайсан осон.
Мени хазон қилди, мен куйлолмаган,
Сен менинг қалбимда яратган достон.
Сен менинг дилимда ёнғинсан буюк,
Сенга садқа бўлсин бу бечора жон.
Сени севишимни қўшиқ қил суюк,
Сен уни куйлагин жон, Севаражон.

■ **Муҳаммад ИСМОИЛ**

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

— Эркаланиб турган мана бу асалдек набиранинг бувиси — Каримахон ая Мирзабоева сердавлат онахонлардан, — дея изоҳлади уларни суратга олиб қайтган ЎзА сураткаши Абдувоҳид Тўраев. — Онахон Тошкент вилоятининг Тошкент тумани, Ғиштқўприк маҳалласида яшайди. «Сердавлат» деганимнинг боиси, онахоннинг 8 нафар фарзанди, 31 нафар ширин-ширин набиралари бор...

Юзларида нур, кўзларида сурур балқиб, бир ажиб фариштадек боқиб турган аяга биз ҳам яна кўпдан кўп давлат, соғлик, саломатлик ва узоқ умр тилаймиз.

■ **Раъно БАКИРОВА**

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 88-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
51
26
12
25
16
74
65
27
19
68
36
Сони: 1
4Х5 ҳажмдаги гилам
Чипта рақами
80011072.2

2 ТУР
5
14
86
83
66
87
11
70
3
77
57
79
31
60
56
88
40
41
48
47
Сони: 1
4Х5 ҳажмдаги гилам
Чипта рақами
30010965.3

3 ТУР
84
33
75
72
54
50
24
7
29
85
53
34
38
44
13
64
Сони: 1
4Х5 ҳажмдаги гилам
Чипта рақами
70003480.3

4 ТУР
43
21
52
37
62
23
28
35
71
8
63
6
10
1
90
67
20
Сони: 1
«NEXIA» автомобили
Чипта рақами
30016199.2

5 ТУР
81
82
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
90007658.1

6 ТУР
61
55
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
10001796.3
70024282.1

7 ТУР
17
Сони: 4
Телевизор
Чипталар рақами
20004233.3
60014926.2
80009188.1

8 ТУР
80
Сони: 2
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
40010697.2
80006384.3

9 ТУР
73
Сони: 4
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
20002087.2
30017330.1
50006349.1
90018550.2

10 ТУР
69
Сони: 3
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
40019565.2
50019286.2
80016480.3

11 ТУР
9
Сони: 6
Сумма: 2000

12 ТУР
89
Сони: 5
Сумма: 1900

13 ТУР
59
Сони: 2
Сумма: 1800

14 ТУР
49
Сони: 13
Сумма: 1700

15 ТУР
58
Сони: 17
Сумма: 1600

16 ТУР
46
Сони: 29
Сумма: 1500

17 ТУР
22
Сони: 39
Сумма: 1400

18 ТУР
30
Сони: 82
Сумма: 1300

19 ТУР
42
Сони: 147
Сумма: 1200

20 ТУР
2
Сони: 204
Сумма: 1100

21 ТУР
4
Сони: 297
Сумма: 1000

22 ТУР
78
Сони: 458
Сумма: 900

Қўшимча тур
Сони: 14
Сумма: 900

Халтадан чиқмаган шарлар:
15,
18,
32,
39,
45,
76

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 10 октябрдаги 90-тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

Й. Охунбобоев номидаги Республика Тиббиёт билим юрти томонидан 1985 йилда Тўхтаева Барно Аҳмедовна номига ИТ-I №125052 рақам билан берилган диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Abdumalik BOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 871

uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA